

С.АБДУРАИМОВА

МЕН ВА БИЗ

*Этика муаммоларига
замонавий қараш*

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005


87.7 Этика

Ушбу рисолада инсон учун муҳим бўлган ахлоқий ва маънавий масалалар, инсон моҳияти, ҳаёт мазмуни, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар, бахт ва севги муаммолари этика нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Муаллиф ҳар бир инсон ҳаётида учрайдиган ахлоқ-одоб муаммоларига ўз ёндашувини ифодалаган. Мазкур китоб ёш китобхонларга ўз дунёқараши ҳамда муносабатларини шакллантиришда ҳаётий йўлланма бўлади, деб умид қиламиз.

Масъул муҳаррир ва таржимон: фалсафа фанлари доктори,
профессор Б.Р. КАРИМОВ

W 31921
092

ISBN 5-633-01720-X



© С. Абдураимова. «Мен ва биз».
«Янги аср авлоди», 2005 йил.

СЎЗБОШИ

Бу рисола ёшлар учун ёзилган. Дастлабки қарашида оддий туюладиган, бироқ ҳар қандай одам учун жуда муҳим бўлган «Мен кимман? Бизлар кимлармиз? Муҳаббат, бахт деганлари нима? ҳаётнинг мазмуни-чи?» каби саволларга қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Ушбу саволлар инсониятни қадимги Юнонистон давридан буён ўйлатади, асрлар мобайнида ўрганиб келинаёпти ва ҳар бир давр уларга ўз жавобини бераёпти.

Бизнинг замонамизда, бир томондан, тарихий шарт-шароитлар туфайли кўплаб маънавий қадриятлар қайта қуриб чиқиляётган, иккинчи томондан эса юксак технологияларга ялли қизиқиши кучайиб кетган бир даврда айнан ана шу маънавий масалаларга етарлича диққат-эътибор берилмаётир. Маънавият муаммолари ёшлар онгига сингиб бора олмаётгандек, ёки бузилган шаклларда намоён бўляётгандек бир таассурот тугилмоқда.

Бу ҳол, жумладан, бизнинг минтақамизда ҳам кузатиляётир. Чунончи, ёшлар этика, ахлоқ-одоб, маънавият каби тушунчаларнинг ўзаро фарқини англаб етолмаяпти. Шу ҳам камлик қилганидек, мустақил фан номи бўлган «этика» сўзнинг ўзиёқ мутлақо бошқа фанни англатувчи бошқа бир сўз билан узвий алоқадорликда идроқ этилмоқда: кишилар хатти-ҳаракатининг меъёрлари ва принциплари тўғрисидаги фан ёшлар онгига «этика-эстетика» деган қўшалок сўзга боғлиқ кетаяпти. Бу ноаниқ, мавҳум ифода амалда нимани англатади ўзи? Қолаверса, у кундалиқ турмушда қай тарзда қўлланиши мумкин? Бу масала эса бутун замонавий таълимнинг муаммосидир: у асосан аниқ фанларга тегишли формулалар, матнлар ва жадвалларга йўналтирилган бўлиб, инсоншунослик, ҳаёт ҳамда этика бўйича ниҳоятда кам билим беради.

Тўғри, мустақил равишда билим олиш деган нарса ҳам бор, у эса Аристотелдан Ницшегача бўлган умумбашарий илмларнинг чексиз хазинасига мурожаят этишни кўзда тутаяди. Бироқ, маълумки классик фалсафани ўрганиш муайян тайёргарликни талаб қилади, шунга яраша мушоҳада юритиш қоби-

лиятига эса, афсуски, ёшларимизнинг ҳар бири эга дейиш қийин.

Ана шу сабабли ҳам содда, тушунарли тилда, ҳозирги ёшларнинг савиясига мос услубда ёзилган ушбу китоб улар онгининг одатдаги ҳолати билан воқеликни фалсафий идрок қилиш ўртасида ўзига хос бир кўприк вазифасини ўташи керак. Шунингдек, эркак ва аёл ўртасидаги ўзаро муносабатларда мавжуд бўлган, аммо бизнинг ўлкамизда шарқона одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан ҳатто ота-она билан ҳам муҳокама этилмайдиган айрим теран масалалар етарлича пардали тарзда кўриб чиқилгани мазкур тадқиқотнинг яна бир ўзига хос жиҳатидир. Бироқ, ижтимоий муносабатларнинг айнан ана шу жиҳатига доир масалаларда саводсизлик кузатишмоқдаки, у пировард оқибатда жамиятимизда барбод бўлган оилалар, ўзаро муносабатлари бузилиб, инсонларнинг тақдири чигаллашиб кетган оилалар мавжудлигига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатаёпти.

Табиийки, қўлингиздаги китоб ҳаёт олдимизга кўндаланг қилиб қўяётган ахлокий ва маънавий масалаларнинг барини ҳал этиб бера олмайди, бунинг иложи ҳам йўқ. Унинг вазифаси бошқа: ҳар шккала жинсдаги ёшларни маънавий ва ижтимоий жиҳатдан балоғатга етиш даврида ўзлари инсон зоти-га мансуб эканликларини идрок этишига, инсон ҳаётининг туб маъзига дахлдор масалалар устида ўйлаб кўришига, инсоний хатти-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини англаб етишига ундашдан иборат.

Бундай англаш жараёни баҳс-мунозараларга интилиш уй-гоштиши, ушбу тадқиқотда кўриб чиқилмаган янги-янги саволларни келтириб чиқариши табиий ҳол. Ушбу китобни ўқиб чиққандан кейин мабодо ёш авлод вакилларида этикага доир янада жиддийроқ адабиётлар билан танишиш ёки муаллифга савол бериш истаги тугилиб қолса, буни келажак учун хайрли белги деб қабул қилиш керак. Замонавий информацион воситалар эса муаллифга бевосита мурожаат қилиш имконини беради.

Мен суҳбатга тайёрман.

МУАЛЛИФ

E-mail: muallif@list.ru

Этика нима?

«Этика», «ахлоқ», «маънавият» атамаларининг таърифлари талайгина. Улар кўп жиҳатдан мазмунига кўра ўзаро яқин тушунчалар бўлиб, аксари ҳолларда бир-бирининг ўрнида қўлланади ҳам.

Шу ўринда ушбу атамаларнинг ҳар бирига алоҳида, фақат ўзигагина хос бўлган мазмун бериб, қуйидаги тарзда таърифлашга келишиб олайлик:

1. Этика - маънавият ва ахлоқ-одоб тўғрисидаги фан бўлиб, улар тўғрисида бир тизимга келтирилган билимлардан иборат.

2. Ахлоқ - кишилик жамиятида одамларнинг муайян муносабатлари бўлиб, жамики ижтимоий муносабатларнинг инсонга дахлдор, гуманистик жиҳатини ташкил этади.

3. Маънавият - алоҳида олинган ҳар бир одамнинг руҳий-иродавий хусусиятлари мажмуасидир

Умуман олганда, шуниси қизиқарлики, «этика» сўзининг қадимги юнонлардаги илк маъноси «тураржой», «қароргоҳ» мазмунини англатган, яъни инсонни ўзи яшаб турган, ўзига ўхшаш бошқа одамлар билан мулоқот қиладиган, ўзини у ёки бу тарзда намоён этадиган жой билан боғлаб қўйган. Кейинроқ бориб «этика» сўзи «темперамент», «фёъл-атвор», «фикрлаш тарзи» сингари янги мазмунлар касб этди.

Қадимги юнон файласуфи Аристотел эса бу сўзга унинг даврида фақат эркакларгагина мансуб деб ҳисобланган жасорат, саховат, меъёр каби фазилатларга дахлдор бўлган ижобий хусусиятларга хос сифат оҳангини берган. Ана шу фазилатларни ўрганиши лозим бўлган фанни эса Аристотел ўз навбатида этика деб атаган. Ана ўшандан буён ўтган икки ярим минг йил мобайнида этика фани табиий ҳолда ривожланди, инсоннинг ўз-ўзи билан, бошқа одамлар ва умуман дунё билан боғлиқ муаммоларини кенгайтирди ҳамда тизимга солди. «Этика» фанининг моҳияти ана шу муаммоларни ўрганишдан иборат.

Маълумки, қадимги Рим ўз жамиятини қадимги Юнонистон жамияти тарзида қурди, шу сабабли ҳам бу ерда мазмун-моҳиятига кўра «этика» сўзига мос келувчи «морал» сўзи пайдо бўлди. Бироқ бу сўз кейинчалик содир бўлган ўзгаришлар оқибатида, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг меъ-

ёри ва принципларини ўзида жамулжам қилувчи, деган маъно касб этди. Бу маънони ўзбек тилида “ахлоқ” сўзи яхши ифодалайди. Модомики шундай экан, «ахлоқ» атамасининг мазмун-моҳиятидаги айнан шу жиҳатни ҳозирги кунда асос қилиб олиш мумкин. Бу ҳолда «ахлоқ» атамаси одамлар ўрта-сидаги ўзаро муносабатларнинг ҳар қандай кўринишида ҳам мулоқот қилаётганларнинг шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, яъни уларнинг маънавиятига бориб тақаладиган таркибий қисмни аниқлаб олишга имконият беради.

«Маънавият» атамаси инсон хатти-ҳаракатларининг меъёри, андозаси, унинг ўзига ва бошқа кишиларга нисбатан муносабатини англатади. Бироқ инсон хатти-ҳаракатининг андозаси унинг руҳий-иродавий хусусиятлари мажмуаси билан белгиланар ва бу хусусиятлар ҳам маънавий тушунчаларга бориб тақалар экан, демакки, айнан «маънавият» атамаси этика фани тадқиқ этувчи манбанинг мазмун-моҳиятини яққол ифодалаб беради.

Тўғри, шу уччала атама - этика, ахлоқ, маънавиятнинг ўзаро ўхшаш жойлари ҳамда фарқлари нималарда кўриниши ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, этика алоҳида бир инсоннинг маънавиятини ҳамда у яшаб турган, бошқа одамлар билан мулоқот қилаётган жамиятнинг ахлоқини тушунтириб бериши мумкин бўлган фан эканлигини аниқ-яққол англаб етиш муҳимроқ.

Маънавият қандай шаклланади?

Инсон - биосоциал мавжудот.

Биологик - яъни, ер сайёрасида ота-онасидан дунёга келган.

Социал (ижтимоий) - яъни, бир томондан, муайян жамият, бир тарихий давр ва маданиятнинг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, маълум бир шарт-шароитларнинг таъсири натижасидир.

Биологик хусусиятлар ҳам, ижтимоий хусусиятлар ҳам одамда ёнма-ён, лекин ҳар бири ривожланишнинг ўзига хос динамикасига эга бўлган ҳолда тараққий этади.

Табиий-жисмоний хусусиятлар кўп жиҳатдан ўз ҳолича, одамнинг ўзи томонидан алоҳида бир уринишсиз, яъни ўсимликнинг ўсиши каби ривожланади. Бу хусусиятлар унга ав-

валбошдан табиятнинг ўзи томонидан сингдирилган бўлиб, табиатга боғлиқ ва моддий борлиқ қонуниятларига бўйсунди. Одамнинг жисмоний кўрсаткичларида бирон-бир нуқсон бўлиши мумкинлиги эса у ўзини ижтимоий ва шахсий йўналишларда шакллантириши учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Шу маънода инсоннинг ижтимоий хусусиятлари табиий хусусиятларидан анча фарқланади. Чунки улар, бир томондан, инсоннинг доимий, мунтазам руҳий-маънавий интилишларини тақозо этса, иккинчи томондан, инсон бошқа одамлар билан мулоқот қиладиган, таълим-тарбия оладиган, шунингдек, шахслараро ҳамда ижтимоий-маданий таъсирлар бор хилма-хиллиги билан намоён бўладиган шарт-шароитлардагина шаклланади ва ривожланади.

Шарқ афсоналаридан бирида ҳикоя қилинишига кўра, қадим замонларда бир подшоҳнинг фармони билан эндигина туғилган учта чақалоқ тошдан қурилган минорага қамаб қўйилган ва улар бошқа одамларни кўрмай, фақат ўзаро мулоқот қилган ҳолда ўса бошлаган. Бу даҳшатли тажриба тугаганида эса подшоҳ инсон фарзандларини эмас, балки ўкираётган, акиллаётган ва бир-бирини тишлаётган махлуқларни кўрган, холос.

Бу тажриба ғайринсоний, албатта, аммо афсонада одам бўлиш учун, одам бўлиб туғилишнинг ўзи кифоя эмас, тарбия ҳам керак, дейилмоқчи. Болаларни ҳайвонлар, шу жумладан, уй ҳайвонлари боқиб катта қилганлари ҳақидаги маълум ҳодисалар ҳам айнан шу ҳақиқатни исботлайди.

Биобарин, ижтимоий шаклланиши жараёнида инсон жамиятнинг меъёрлари ва тартиб-қоидаларини бошқа одамлар билан мулоқотда бўлиши орқали ўзлаштириб олиши учун ўзидан ҳам муайян хатти-ҳаракат, интилиш лозим. Ўз навбатида, ёшлар мавжуд ижтимоий жараёнга мослашуви, унга кириб келиши учун зарур кўникма ҳосил қилишида атрофдагилардан ҳам маълум бир ёрдам хатти-ҳаракати кутилади. Ушбу ижтимоий жараённинг асоси эса табиатига кўра ижтимоий бўлган ва жамиятнинг эҳтиёжларини ифода этувчи роллар, сабаблар, кўрсатма ҳамда йўл-йўриқлардан иборат.

Меҳнат қуроллари ва моддий бойликлар авлоддан авлодга ўтиб келгани сингари инсоният тўплаган ҳамда муайян

хатти-ҳаракат ва сўзларга жо қилинган руҳий-маънавий билимлар ва ижтимоий тажриба ҳам авлоддан авлодга уза-тилади, гўдак «ойи», «уй», «олма» деган сўзларнинг маъно-си нималигини ўйлаб топмайди, балки тарихан таркиб топ-ган тайёр билимлар тизимини ўзлаштириб олади. Нутқ, хат-ти-ҳаракат қоидалари, маълумот, урф-одатлар ва анъана-лар, умуминсоний маданиятнинг бошқа унсурлари ана шу билимлар тизимининг таркибий қисмлари бўлиб, шу тизим-ни ўзлаштирган одам унда жамланган умумбашарий таж-рибага ҳам эга бўлади. Ушбу тизимнинг у ёки бу таркибий қисмининг аҳамияти эса у жамият амалиётида нима эканлиги ва инсоннинг қайси эҳтиёжларига хизмат қилиши билан бел-гиланади. Бу аҳамият тарихан ўзгарувчан бўлгани сабабли ижтимоий-маданий тизимнинг инсонга таъсири даражаси-ни белгиловчи омиллар қуйидаги шарт-шароитлардан ибо-ратки, уларни уч босқичга бўлиш мумкин:

- а) макромухит – умуман жамият;
- б) микромухит – ҳаётий шароит;
- в) шахснинг ҳаётий тажрибаси.

Макромухит – инсон туғилган давр ва тарихий вақтдаги жамият.

Одам боласи гўё бу дунёга тасодифий бир нуқтада ва та-содифий бир лаҳзада ташлангандек бўлади, умрини яшаб бўлгач у дунёни айнан шу тарзда - тасодифий бир нуқтада ва тасодифий бир лаҳзада тарк этиб кетиши керак. Инсон ўзи дунёга келиш-келмаслигига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди. Масалан, у ўзига ёққан тарихий даврда, яшаши қулай бўлган ижтимоий муҳитда, руҳан ўзига яқин замонда туғилишни исташи мумкин, аммо буни амалга оширишининг мутлақо иложи йўқ.

Инсон дунёга келдими, ижтимоий субъект сифатида шакл-лана бошлаши керак. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, инсон макромухит таъсирида ўзида шакллантириши зарур бўлган ижтимоий хусусиятлари жисмоний хусусиятлар каби унга аввалбошдан бериб қўйилмаган, бинобарин, уларни қабул қилиши ё рад этиши мумкин. Биологик мавжудот си-фатида инсон табиий ҳолда ривожланади. Ижтимоий мав-жудот сифатида ривожланиш учун у энди руҳиятини ишга

солиши керак, бу эса узоқ давом этувчи ва машаққатли жараён бўлиб, ҳар кимга ҳам ёқавермайди.

Ана шу сабабли ҳам кишилиқ жамиятида ўзининг ижтимоийлашувини мумкин қадар чекловчи ва кўпроқ табиат қонунлари бўйича яшовчи одамлар бор, ҳаёт йўлининг маълум босқичида ўзининг ижтимоий ривожланишида тўхтаб қоладиган, ўзини ижтимоийлаштириш бўйича шу пайтгача қилган ишларини унга замондош ижтимоий-маданий тизим доирасида у ёки бу даражада бемалол яшаши учун етарли деб ҳисоблайдиган одамлар учраб туради.

Айни пайтда ижтимоий-маданий тизимнинг у ёки бу таркибий қисмларини теран ўзлаштириб олиши туфайли ижтимоийлашув босқичи шу даражага етган айрим шахслар ҳам борки, энди тизим уларга таъсир қилибгина қолмай, уларнинг ўзи ҳам тизимга таъсир кўрсатади, унинг ривожланишидаги тарихан ўзгарувчан жараённи аввалдан белгилаб беради.

Инсон жамиятда ижтимоий шаклланишининг босқичли даражаси бевосита микромуҳитга - у дунёга келган ва унинг турмуш тарзини белгилаб берувчи ҳаётий шароитларга, бошқа одамлар жамоаси билан шахслараро ва гуруҳлараро ўзаро таъсир даражасига боғлиқ.

У ёки бу ижтимоий гуруҳ, жамият табақаси, турмуш муҳитида туғилиш инсоннинг ижтимоий шаклланишига энг кўп таъсир кўрсатувчи омил эканлиги шубҳасиз. Бироқ микромуҳит бу шарт-шароитлардан ташқари аҳамияти уларникидан кам бўлмаган яна учта омилни ҳам ўз ичига олади, инсон социум доирасида ўзлигини англаб етишига айнан ўшалар имкон беради. Мазкур уч омил эса ижтимоий рол, ижтимоий вазифа ҳамда ижтимоий аталганликдан иборат.

Инсоннинг жисмоний ва ижтимоий-маънавий ривожланиши жараёнида у ўзининг яшаш муҳити, ўзининг микромуҳитини англаб етишини шакллантиришда ижтимоий рол биринчи омилдир.

Ижтимоий рол - бу инсон хатти-ҳаракатининг шундай андозаларик, улар шахслараро ва ижтимоий-маданий муносабатлар тизимида шахсга объектив тарзда берилади, инсон унинг шахсий хусусиятлари туфайли бирлашади ҳамда шахс ривожланиши ва ўзлигини намоён этишида унинг

эҳтиёжларига мос келади. Бошқача айтганда, ижтимоий рол инсонга унинг атрофидаги одамлар жамоаси гўё мажбурлаб берадиган рол, бироқ айна пайтда инсоннинг ўзи ҳаётий вазифасини бажариши жараёнида шунга эҳтиёж сезади.

Ижтимоий рол икки хил кўринишда мавжуд:

табiiй – қариндошлик-социал;

уюшган – ижтимоий-социал.

Ижтимоий ролнинг табiiй кўриниши шахслараро мулоқотнинг қариндошлик-социал алоқаларида намоён бўлиб, оилавий муносабатлар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги алоқалардан иборат. Расман олганда, бу ўзаро муносабатлар анъанавий бўлиб, инсон дунёга келган оилада, ижтимоий гуруҳда қабул қилинган анъаналар ва урф-одатларга таянади. Бироқ ўзининг шахсий хусусиятларига ҳамда ижтимоий хатти-ҳаракатнинг бу жиҳатини қанчалик теран идрок этишига қараб, инсон ўз ижтимоий ролнинг табiiй кўринишига қандайдир хилма-хиллик ва ўзининг яққол шахсий таъсирини беради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ижтимоий ролнинг табiiй-қариндошлик кўринишини бажариш учун қулай ижтимоий шарт-шароит яратиш инсонга атрофдагилар ундан кутаётган хатти-ҳаракатларга муайян даражада мос келиш имконини беради.

Ижтимоий ролнинг уюшган ёки ижтимоий-социал кўриниши эса инсонни унга замондош макромухит доирасида ижтимоий ўзаро муносабатлар тизимига киритиш учун зарур шартдир. Ўзаро муносабатлар шакли ҳар хил бўлиши мумкин: расмий ва норасмий, ўз-ўзидан вужудга келувчи ва социал институтларга асосланган, ғаразли ва ғаразсиз ва ҳоказо. Аммо уларнинг бари инсонни ижтимоий фаолият ҳамда хатти-ҳаракатнинг объектив тарзда берилаётган ва тарихан белгилаб қўйилган жараёнига киритиш вазифасини бажаради.

Аммо, ҳаётни аввалдан билиб бўлмайдиган деган гап бор, ва инсон унга «тиқиштирилган» ижтимоий ролга қарши эътироз билдирадиган ҳоллар ҳам кўп учрайди. Норозилик одатда куйидаги кўринишда кечади: «Мен ҳамма қатори бўлишни истамайман! Атрофимдагилар эса зўр бериб мени бир қолипга солишга уринишгани-уринишган. Ўқийсан, эрга тегасан (уйланасан), бола кўрасан, ишлайсан, солиқ тўлайсан... топиб олган гаплари шу. Ҳамма қатори яша, ота-онанг,

қариндош-уруғ, қўни-қўшни, бошлиғингдан ибрат ол, дейишдан чарчашмайди. Тўйиб кетдим бу гаплардан! Керакмас бунақа маслаҳатлар!..»

Аксари ҳолларда ёшлар шу хил норозилик билдиришади, аммо инсон анча ёшга борган пайтда ўзининг барқарорлашиб улгурган ижтимоий ролига бирданига қарши чиққан, эътироз билдирган ҳоллар ҳам, истисно тариқасида, учраб туради. Бу хил, норозиликда эса доимо ҳам эътироз билдирувчининг ўзи айбдор бўлавермайди. Чунки инсон ўзининг ижтимоий ролини муваффақият билан адо этиши, бу ўриндаги уйғунлик ва яхлитлик авваламбор ана шу ижтимоий рол инсон ижтимоий-маданий тизимнинг таркибий қисми, бир унсури сифатида у бажараётган ижтимоий вазифага нечоғли мос келишига боғлиқ.

Рухий дунёни ҳис этиш омили сифатида қатнашувчи ижтимоий ролдан фарқли ўлароқ *ижтимоий вазифа* инсон учун ижтимоий дунёни ҳис этиш омили ҳисобланади, чунки инсон ушбу вазифани яхлит бир ижтимоий-маданий организмга ўзини бағишлашдек зарурий бир эҳтиёж сифатида идрок этади. Ижтимоий вазифани моҳияти шундаки, инсон жамиятнинг субъекти сифатида ижтимоий фаолиятнинг у ёки бу шаклини ўз зиммасига қабул қилади. Бу шакл унинг учун стандартлаштирилган, барқарор турмуш тарзига айланиб қолади ва муайян ижтимоий меъёрлар билан тартибга солинади.

Инсоннинг ижтимоий хатти-ҳаракатлари унинг жисмоний хатти-ҳаракатларидан шу билан фарқланадики, улар уни одамлар жамоасига жалб этади, чунки ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасини ўзлаштиришга қаратилгандирлар. Бирон соҳани ўзлаштиришнинг асослари сифатида, биринчидан, инсоннинг имкониятлари (қобилиятлари, билими, малакаси, интилишлари, мақсади ва бошқалар), иккинчидан, ижтимоий кўрсаткичлари (жамиятдаги мавқеи, маълумоти, касби, мақоми) намоён бўлади. Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, ҳар қандай ижтимоий фаолият, яъни инсоннинг макромуҳит доирасида бошқа одамлар билан ўзаро таъсирда, мулоқотда бажарадиган фаолияти ижтимоий аҳамияти ва жамиятга таъсири бўйича хилма-хил бўлиши мумкин. Бироқ бу фаолият турларининг бари объектив равишда ўзаро тенг, зотан, у ёки бу даражада инсон ижти-

мойлашувига, унда социаллик асослари шаклланишига ёрдам беради. Шу сабабли инсон ижтимоий вазифасини бажариши, бир томондан, унга ўзига ўхшаш бошқа одамлар жамоасида ўзини намоён этишига имкон берса, иккинчи томондан, уни яхлит ижтимоий-маданий тизимнинг таркибий қисми сифатида шу тизимга қўшади, шу билан мазкур тизим яхлит ҳолда сақланиши ва мустаҳкамланишига ёрдам беради. Чунки жамиятнинг ижтимоий-маданий тизими ижтимоий фаолиятнинг кўплаб ва хилма-хил шаклларисиз сақланиб қолиши ва фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

Инсон ўзининг ижтимоий вазифасини бажара олмаслигини ҳаётнинг ҳузур-ҳаловатсизлиги, роҳат-фароғатсизлиги сифатида ҳис қилади. Чунки ижтимоий вазифа кўп жиҳатдан инсон ўзининг социум (жамоа) билан алоқасини микромуҳит даражасида ҳис этишининг учинчи омили - инсоннинг ижтимоий аталганлиги билан белгиланади. (“аталганлик” термини рус тилида “предназначение” маъносида ишлатилади).

Ижтимоий аталганлиги инсон атрофдаги олам билан шахсий муносабатларининг индивидуал шаклини англаб етишидир, деб таърифлаш мумкин. Ижтимоий аталганликнинг моҳияти шундан иборатки, ижтимоий жиҳатдан етилиши жараёнида инсон одамлар жамоасига қўшилишига асос бўлиши керак бўлган кўрсаткичларни ўзи учун аввал ҳиссий даражада, кейин эса борган сари онгли равишда аниқлаб олади. Бу хил англаш инсонда гармоник, табиий равишда кечиши ёки унинг ўзида бўлмаган имкониятларни ишга солишни талаб қилиб, қийнаб қўйиши ҳам мумкин. Шундай фикр инсон борлигини илк болалик давридаёқ эгаллаб олган бўлса, у бутун ҳаёт йўлини ана шу аталганликни амалга ошириш учун тўлиқ бўйсундиради. Бироқ бу фикр анча кеч келиши ҳам мумкин, бунда инсон ҳаётининг қандайдир босқичида ўзининг ижтимоий вазифасини аксари ҳолларда атрофдагилар учун кутилмаган тарзда ўзгартириб, асл ижтимоий аталганлигини рўёбга чиқара бошлайди.

Шундай бўлишининг сабаби кўп жиҳатдан ижтимоий аталганликнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. У етарли даражада яққол намоён бўлмаганлиги инсон танлаган ижтимоий вазифа билан номуносибликка олиб келади, бу

ҳолда эса инсоннинг нафақат ижтимоий вазифасини, балки ижтимоий ролини бажаришида ҳам сифат кўрсаткичлари пасаяди. Яъни, ижтимоий аталганлик мустақил категория сифатида намоён бўлиб, инсоннинг хоҳиш-истаги билан ўзгармайди, ижтимоий рол ҳамда ижтимоий вазифа эса бу маънода бир қадар ўзгарувчандир.

Айнан ижтимоий аталганлик инсоннинг ижтимоий интеграциясидаги бошланғич шарт-шароитларни тартибга солади ҳамда микромуҳит даражасида унинг шахсий-руҳий намоён бўлишининг характери ва шаклини белгилайди. Ўзликни намоён этишнинг энг ёрқин шаклларининг таъсири эса микромуҳит доирасидан чиқиб, макромуҳитга йўналади ва жамиятга, тарихий вақт ва даврга ўзининг таъсирини ўтказди.

Шуни алоҳида таъқидлаб ўтиш керакки, инсоннинг ижтимоий аталганлиги унинг ижтимоий вазифасида амалга ошар ва ижтимоий ролида намоён бўлар экан, мазкур ижтимоий-маданий жамоада қабул қилинган меъёрлар ҳамда қадриятлар тизими билан таққосланганда ижобий ёки салбий хусусият касб этиши мумкин.

Ижтимоий аталганлик намоён бўлишининг ижобий жиҳати, бир томондан, шу аталганлик амалга оширилаётган даврнинг ахлоқ мезонларига мос келиши, иккинчи томондан, аталганлик субъекти бўлган инсоннинг бутун башариёт тараққиётига қўшадиган ҳисса билан белгиланади.

Инсон ўзининг ижтимоий аталганлигини амалга ошириши ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятга эга бўлиши мумкин, чунки айни бир ҳодиса, кашфиёт, ихтиронинг ўзи эзгулик ва ёвузлик ниятларида қўлланади. Тарихда янги ерлар босиб олингани, дин қурол кучи билан ёйилгани, ижтимоий тузумларни инқилобий тарзда ўзгартириш ёки атом энергияси, ирсият муҳандислиги, сунъий интеллект, клонлаштириш соҳаларидаги замонавий илмий ютуқлар шунга мисол бўла олади.

Ижтимоий аталганликнинг абсолют салбий кўринишларига таалуқли деб инсон мавжудлиги ва ўзлигини намоён этишининг жиноий шакллари деб аталувчи ҳолларни мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг универсаллиги шунда ифодаланадики, тарихий давр, ижтимоий тузум ва давлат қурилишининг шаклларида қатъи назар, кишилик жамия-

тининг ҳар қандай тури бу салбий ҳодисаларни қабул қилмаслигига ҳамда ана шу ижтимоий вазифа субъектлари социумга бегоналик ва душманлик руҳини олиб киришига қарамай, ижтимоий аталганлик салбий қўривнишлари ижтимоий-маданий тизимда ривожланишнинг барқарор динамикасига эга. Эҳтимол, бу инсон социумининг табиати учун азалдан хос хусусиятдир?

Шундай қилиб, инсонни ўзининг ижтимоий вазифасини танлашга ундовчи ижтимоий аталганлик, унинг микромуҳитини, ҳаётий шарт-шароитларини белгилаб берувчи асосий омилга айланади. Ўз навбатида ижтимоий вазифа ижтимоий ролнинг мазмунига ва ижро сифатига таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам микромуҳит социал-ижтимоий ва руҳий-маданий ривожланиш ҳамда субъект (инсон) шаклланиши жараёни динамикасини таъминловчи яхлитлик деб айтиш мумкин.

Микромуҳитнинг яхлитлиги унинг таркибий қисмлари ўртасида зиддият бўлиши мумкинлигини инкор этмайди, уларнинг оқилона ва уйғун равишдаги ўзаро таъсири инсоннинг ижтимоий-шахсий ривожланиши ҳамда ўз-ўзини англаши жараёнини мумкин қадар тўлиқ таъминлайди, унинг руҳий-иродавий хусусиятлари эса ана шу асосда шаклланади.

Бироқ макромуҳит ҳам, микромуҳит ҳам инсон шахсияти ибтидосини ташқаридан туриб шакллантирувчи ижтимоий-маданий таъсирлардир. Инсоннинг ҳаётий тажрибаси эса бу жараёнга ичкаридан ёрдам берувчи восита сифатида иштирок этади.

«Ҳаётий тажриба» тушунчаси кўп жиҳатдан ўзининг синонимлари бўлган «ҳаёт йўли», «ҳаёт цикли», «умр сабоқлари» каби тушунчаларга яқин. Бундай ҳолларда муайян даражадаги мазмуний ўхшашликдан қочиб қутилиш қийин, албатта. Бироқ ўртадаги фарқ инсоннинг ўз ҳаётий тажрибаси билан боғлиқ. Ушбу тажриба инсоннинг атроф борлиқ билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, унинг ривожланиши жараёнида инсон ижтимоий-маданий муҳитни ўзлаштириши натижасида у ёки бу ахборотни танлаб олади ва уни шахсияти ибтидосини шакллантирувчи ҳамда шу билан инсоннинг сифатий мақомини оширишга ёрдам берувчи ўзига хос мустақил тизимга киритади.

Ушбу тизим олинаётган ахборотни ягона бир манбага тўплар ва тартибга солар экан, инсоннинг нафақат ўз атрофидаги воқеликка балки яхлитлик сифатидаги объектив борлиққа нисбатан амалдаги таъсирининг характери ҳамда даражасини белгилаб беради. Ана шу таъсир жараёнида инсоннинг шахсий ҳаётий фаолияти ва ўзини сифат жиҳатидан шакллантириши учун зарур бўлган алоқалар, ҳоссалар, ҳодисаларнинг қонуниятлари очила боради; инсон ўзи учун энг мақбул ва мақсадга мувофиқ бўлган усуллари-воситаларни излаб топади ва синаб кўради. Яъни, янги ахборот ишлаб чиқилиб, яхлит шахсий-индивидуал тизимнинг ўзaro узвий боғланган ва узлуксиз фаолият кўрсатувчи ана шу икки унсурга оқиб келаверади.

Ҳаётий тажриба, нисбатан алоҳида тизим сифатида, хилма-хил кўринишларда намоён бўлиши билан характерланар экан, ривожланишнинг инсон шахсияти ибтидосининг маданий даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган хилма-хил йўналишлари ҳамда имкониятлари бўлишини тақозо этади. Маданий ривожланиш даражаси муайян бир ахборотни ўзлаштиришда, бинобарин, ҳаётий тажриба имкониятларини оширишда фаолликка чорловчи ва ёки аксинча ҳаётий тажриба учун муҳим аҳамиятга эга бўлмаган бирон-бир ахборотни қабул қилмасликка ундовчи омил вазифасини бажаради. Инсоннинг маълум мақсадга қаратилган ва унинг ўзига замондош кишилик жамиятининг макромуҳити тузилмасидаги сифат мақомини белгилаб берувчи ўз-ўзини шакллантириш жараёни ҳам шунга боғлиқ ҳолда кечади.

Инсоннинг сифат мақоми унинг ижтимоий мақомидан фарқланади.

Ижтимоий мақом анча кенг тарқалган тушунча бўлиб, илмий асарларда ҳам, кундалик турмушда ҳам кўп қўлланади. Унинг таърифлари ҳам талайгина. Бироқ бу мавзудаги тадқиқотлар етарли бўлгани сабабли тафсилотларга берилиб ўтирмай, ижтимоий мақомни сифат мақомидан ажратиб турувчи жиҳатни аниқлаб олишининг ўзи билан кифояланиб қўя қоламиз.

Ижтимоий мақом - инсон (одамлар гуруҳи) жамиятда, моддий-мулкӣ ҳолатни ҳам инobatга олганда ижтимоий

алоқалар ва муносабатларнинг табақали тизимида эгалланган мавқеи кўрсаткичидир.

Сифат мақоми эса инсон ўзининг шахсий-индивидуал тизими доирасида эришган ижтимоий-маънавий ҳамда маданий-руҳий ривожланиш даражаси кўрсаткичидир. Бошқача айтганда, инсоннинг сифат мақоми ижтимоий мақомидан фарқи ўлароқ фақат ўзининг интилишлари, ҳаётий тажрибаси, у ўзида жамулжам қилган ахборотнинг сифатига боғлиқ.

Шу маънода инсоннинг сифат мақоми ижтимоий мақомига мос келмаслиги мумкин. Чунки, ижтимоий мақом, бир томондан, макромухит ва микромухитга, яъни маълум даражада инсоннинг ихтиёрида бўлмаган шарт-шароитларга боғлиқ, иккинчи томондан эса, минг бора афсуски, ҳар иккала мақомнинг ўхшашлиги инсоннинг ижтимоий ва шахсий ўсиши учун зарурий шарт эмас.

Аксари вақт бунинг тамомила аксини кўрамир: юксак ижтимоий мақомга кўпинча паст сифат мақоми туфайли эришилади, юксак сифат мақоми эса доимо ҳам ижтимоий мақом ўз-ўзидан ортишига олиб келавермайди. Аммо XX аср охирида энг ривожланган давлатлар инсон мавжудлигининг бу икки жиҳати ўзаро уйғунликда бўлиши мумкинлигини исботлаб берди - инсон ўзини шахс сифатида шакллантириши жамият томонидан ижобий эътироф этилди ва моддий тарзда муносиб рағбатлантирилди.

Инсоннинг сифат мақоми, унинг шахсий-индивидуал тизими доирасида ижтимоий-маънавий ҳамда маданий-руҳий ривожланиш даражасини кўрсатувчи омил сифатида жамиятдаги субъект-объект ўзаро муносабатларига нисбатан инсоннинг фаоллиги нуқтаи назаридан фарқларни акс эттиради. Бошқача айтганда, инсон ижтимоий жиҳатдан ривожланар экан, ўзи яшаб турган ижтимоий-социал мухитга мослашади, бироқ жамият қонунларига бўйсуниб ва ўз зиммасига ижтимоий мажбуриятларни олишга ҳар ким ҳам қодир эмас. Ана шу маънода инсон, унинг шахсий-индивидуал тизими доирасида икки турдаги тизимга эга:


а) жамият, шарт-шароит ва муайян одамлар томонидан ташқаридан бошқарилувчи тизим ;

б) шахсининг ички заруриятига бўйсунувчи ўз-ўзини бошқарувчи тизим.

Ташқаридан бошқарилувчи биринчи турдаги тизимга шахсият ибтидосининг индивид, жамият субъекти ва ижтимоий субъект сингари даражалари киради. Инсон ижтимоий ва социал жиҳатлардан ўз-ўзини ривожлантириши жараёнининг узлуксиз ва шу билан бирга илгарйлама характерини акс эттирган ҳолда, мазкур даражалар ўзаро бир-бирига сингиб кетиши мумкин.

Ўзига замондош кишилик жамиятига қўшилиб кетишни, у билан мулоқот қилишни аксари ҳолларда ўзи сезмаган, ғайри-ихтиёрий равишда хоҳламайдиган, субъект-объект муносабатлари унга тайинлаб қўйган ижтимоий ролни қабул этмайдиган, жамият тузилмасида ижтимоий вазифани бажаришни истамайдиган одам ўзини индивид сифатида намоён қилади. Инкор этиш онгли даражасида кечган ҳолларда инсон ўзининг ижтимоий моҳиятини амалда англаб етган пайтидан бошлаб ўзини индивид сифатда намоён қилади, ижтимоий хусусиятларга нисбатан биологик хусусиятларни афзал кўради, ижтимоий муҳитга яқинлашувдан воз кечган ҳолда биологик, табиий муҳитга мумкин қадар сингиб кетишни жон-дилидан хоҳлайди. Бунинг сабаби шундаки, индивидга унинг сифат асослари биосоциал бўлганлиги учун жамият қонунларига бўйсунушдан кўра табиат қонунларига бўйсунуш осонроқ, чунки табиат қонунлари унинг учун бирламчи ва азалдан мавжуд бўлгани ҳолда жамият қонунлари сунъий тарзда ишлаб чиқилган. Ана шу сабабли ҳам индивиднинг онги уни бошқарувчи табиат қонунларини ўзининг биологик моҳиятига мос тушадиган, бинобарин, ундан устун келмайдиган ички оламига нисбатан зўравонлик қилмайдиган қонунлар сифатида ўз-ўзидан қабул этади. Ўзини англаш жараёни эса табиий майллар ва бирламчи қобилиятлар даражасида кечади.

Жамият қонунлари эса индивид учун унинг руҳияти ва онгига салбий таъсир кўрсатувчи бегона бир нарса бўлиб туюлади. Шахс биологик жиҳатдан ўз замондошларидан заррача фарқ қилмагани ҳолда ижтимоий мавжудот сифатида кишилик жамиятига мослашишга аввалбошдан қодир эмас, ижтимоий муносабатлар даражасида унинг ижтимоий моҳия-



ти жамиятдан ажралиб қолгани эса бошқа одамлар билан бевосита мулоқот пайтидагина намоён бўлиши мумкин.

Ижтимоий-шахсий сифатлар ўз-ўзидан четга сурилиб қолишининг энг оғир ҳолати – шахсий-индивидуал тизимда руҳий бузилишлар кўринишида намоён бўлади, бунинг оқибатида эса, энди индивид ўзини четга тортмайди, балки жамият уни ижтимоий муносабатлар доирасидан чиқариб ташлайди.

Бошқа томондан, жамиятдан чекиниш ҳолатлари онгли равишда рўй бериши ҳам мумкин, бунда индивид ўзига замондош жамият билан фаол мулоқотда бўлишни нима учун истамаётганини ўзи яхши англаётган бўлади. Индивид жамиятдан ўзини онгли равишда четга тортиши аксари ҳолларда ижтимоий муносабатлардаги зиддият оқибатида рўй беради, яъни индивид микромуҳит даражасидаги ўзаро муносабатларнинг энг мақбул шакллари йўлга қўйишга ноқобиллиги пировард-оқибатда уни жамоадан чиқиб кетишига олиб келади. Бундай пайтда индивид ўзининг ижтимоий роли ва ижтимоий сифатларидан ҳамда шунинг натижаси ўлароқ ўзининг шахсият ибтидосини шакллантиришдан воз кечади.

Бироқ бу ҳолат шуниси билан хавфлики, индивиднинг ижтимоий ривожланиши тўхтаб қолади, маънавий сифатлари бузилади, шахс ижтимоий-социал бошқарув тизимидан тушиб қолиб, ўз-ўзини биологик турнинг бир вакили сифатида фақатгина моддий ҳаёт кечиришга маҳкум этади.

Шахсий-индивидуал тизимнинг кейинги босқичи жамият субъекти бўлган булиб, бу инсоннинг ижтимоий ривожланиши босқичидир. Айнан ана шу даражадан бошлаб инсон ўзи ҳам бошқалар сингари одам эканини тушуниб етади ва унинг кўнглида макромуҳитнинг жамият-давлат тузилмасида ўзининг ижтимоий вазифасини бошқалар қатори ва улар билан бирга бажаришга розилик кўпинча англамаган равишда туғилади.

Жамият субъекти - ўз-ўзини бошқарувчи ижтимоий-давлат тизимига кўр-кўрона, ҳатто аллақандай лоқайдлик билан бўйсунувчи улкан ижтимоий қурилманинг бор-йўғи бир мурвати, холос. У ҳамма нарсага бепарволик билан қарар ва мавжуд шарт-шароитларга мослашишига уринар экан.

атрофидаги жамики воқеа-ҳодисаларни етишиш мумкин бўлган ягона ҳолат деб билади. У фаол ёки заиф тарзда эътироз билдириши мумкин, лекин ҳатто шу норозиликда ҳам мавжуд тартибни ўзгартириш маъноси йўқ, аксинча, ана шу эътироз ёрдамида субъект атрофидаги ижтимоий муҳитга янада чуқурроқ ва узвийроқ сингиб кетиш учун имконият бор-йўқлигини текшириб кўраяпти, холос.

Ташқаридан бошқарилувчи тизим сифатида инсоннинг ижтимоий-шахсий ривожланишидаги учинчи ва сўнги босқич ташқи кучнинг таъсирига жавобан ўзи хатти-ҳаракат қилишга қодир бўлган ижтимоий субъект даражасидир, унинг аввалги ижтимоий-шахсий босқичлардаги аввалги категориялардан асосий фарқи ҳам айнан ана шунда.

Ижтимоий субъектнинг моҳияти шундан иборатки, шахсият ибтидосини шаклланишнинг ана шу босқичида инсонда ижтимоий ҳаётни ўрганиш ва шунинг натижасида уни ўзгартиришга интилиш қобилияти уйғонади, зотан, ҳаётни у ёки бу даражада жиддий ўрганиш аввалбошданоқ ҳаётни идрок этиш юзасидан диалектик зиддиятли ва мураккаб характер касб этадики, бу инсоннинг ижтимоий ҳаракатларга эҳтиёжини шакллантиради.

Ушбу эҳтиёжнинг шакллари ва намоён бўлиш усуллари эса хилма-хил бўлиб, инсон ҳаётининг моддий фаолиятдан руҳий фаолиятгача, моддий-амалий фаолиятдан интеллектуал-амалий фаолиятгача бўлган барча соҳаларини қамраб олиши мумкин. Энг муҳими шундаки, ижтимоий субъект ҳар гал етарлича фаоллик кўрсатиб, мавжуд аҳволнинг янги жиҳатларини аниқлашга, атрофидаги микромуҳит билан ўзаро муносабатларда ўзини намоён этишнинг энг мақбул йўллари топишга ҳаракат қилади.

Бироқ, шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, ижтимоий субъектнинг ижтимоий ҳаракатларга доир қобилияти унинг фаоллигини рағбатлантирувчи ташқи шарт-шароитларнинг таъсири остидагина шаклланади ва ривожланади. Бу қобилият социумнинг ушбу категориясидаги, ижтимоий-шахсий интеграциянинг ушбу даражасидаги инсоннинг ички эҳтиёжи эмас, бинобарин, ташқи таъсирнинг йўқолиши билан бирга шахснинг камолотга ва атрофдаги оламни такомил-

лаштиришга бўлган онгли равишдаги интилиши сифатида у ўз аҳамиятини йўқотади.

Аmmo, шунга қарамай, ижтимоий субъектнинг даражасига эришиш, инсоннинг ижтимоий жиҳатдан етуклигини акс эттиради, унинг ўзи мансуб бўлган жамиятнинг ҳаётида онгли равишда, фаол ва мустақил қатнашиш қобилияти ва эҳтиёж-ни кўрсатади. Бу фактларнинг ўзиёқ ҳар қандай жамият тараққиётининг объектив-тарихий жараёни учун муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ижтимоий субъектларнинг категорияси ижтимоий ҳаракатларга қодир бўлган ижтимоий гуруҳлар ўртасида энг оммавийси сифатида ўзининг қатнашуви ёки қатнашмаслиги билан ижтимоий тузилмалар, тузумлар ва ҳатто тарихий даврларни ўзгартиришнинг сифат характерини фаол тарзда аниқлай олувчи ижтимоий асос, негиз ҳисобланади.

Ўз-ўзини бошқарувчи тизим сифатида инсон ўзини ижтимоий-руҳий тараққиётда шахсият ибтидоси босқичларининг иккита олий даражасида: шахс ва ижодий шахс сифатида намоён этади. Мазкур даражаларнинг фарқли белгиси шундаки, уларнинг вакили аксари ҳолларда ўзининг ижтимоий аталганлигини яққол ҳис этади ва катъийлик билан, ҳатто шарт-шароитлар йўл бермаган тақдирда ҳам саботонат уни рўёбга чиқаришга интилаверади.

Яъни, ўзининг ички шахсий эҳтиёжларига кўра фаол ижтимоий ҳаракатларга қодир бўлган инсонни шахс деб аташ мумкин, у ўзининг индивидуал ҳаёт йўлини аксари ҳолларда ўзининг дунё қараши ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайди.

Бироқ шахс ҳаёт йўлига доир режаларини амалга оширишнинг ўз хатти-ҳаракатларига мос келувчи шакллари ва усулларини доим ҳам топавермайди, чунки шахсият ибтидосининг шу даражасида инсон етишган ижтимоий ривожланиш босқичи уни атрофдаги муҳитга, кўпроқ ижтимоий муҳитга нисбатан диалектик зиддиятга солиб қўяди. Бунинг сабаби шундаки, шахснинг ҳаётий тажрибаси ўзида бири-бирдан фарқланувчи иккита ахборот оқимини жамулжам қилади. Улардан бирининг манбаи инсоннинг ҳаётий-ижтимоий шарт-шароитлари ва социумдаги бошқа одамлар билан реал ўзаро муносабатлари бўлса, иккинчисининг ман-

баи руҳий-маданий шаклланиш жараёнида ўзлаштирилган билимлар ҳамда инсониятнинг узоқ вақт тўпланган, назарий жиҳатдан умумлаштирилган ва моҳияти англаб етилган тажрибасини акс эттирувчи ахлоқий принциплар ҳамда талаблардан иборат.

Шундай қилиб, инсоннинг эътиқоди у ўзлаштириб олган меъёрлар ва идеалларни ўзининг бевосита ҳаётий кузатишлари ҳамда у яшаб турган жамият, макромухитнинг амалдаги ахлоқи билан қиёслаш асосида вужудга келади. Агар шу қиёсда мазкур шахс учун зиддият бўлмаса (унақаси жуда кам учрайди), шахс атрофидаги муҳитни яхлит ва уйғун ҳолда қабул қилади. Бироқ ахборотнинг мана шу икки оқими ўзаро мос тушмайдиган ва ҳатто бир-бирига зид келадиган ҳоллар шу қадар кўп учрайдики, оқибатда бу ҳолат шахс билан муҳит ўртасида қарама-қаршилиқни келтириб чиқаради.

Шахсни мана шу муҳит ўстирган, шакллантирган ва тарбиялаган, аммо шахснинг меъёрлари ва идеаллари шу тарзда шаклланганки, унда ижтимоий-социал тузилманинг идеал образи, тимсолини яратган; одатда кучли, иродали, мақсадга интилувчан шахс эса атрофидаги воқеликка ана шу тимсолни сингдиришга уринади. Бироқ ушбу вазиятда мазкур шахснинг амалдаги ижтимоий қиймати унинг ўй-фикрлари, орзу-тилаклари билан эмас, балки ижтимоий ҳаракатлари, социумнинг яхлит ўзгартирувчи жараёнига шу ҳаракатларини амалда жорий қилишининг якуний натижаси билан белгиланади.

Табийки, шахснинг хатти-ҳаракатлари доимо ҳам унинг идеалига мос тарзда амалга ошавермайди. Бунинг асосий сабаби эса одатда шахс олам тузилиши ҳақидаги ўз тушунчасини амалга оширишга ижодий ёндошмаслигидадир. Шахс жамият билан ўзаро муносабатларида унга дуч келиб турган шарт-шароитлар ҳамда мавжуд вазиятни бошқаришнинг энг мақбул йўлини танлаш тамойилидан фойдаланмайди, улардаги яширин, ички имкониятларни аниқламайди, ҳолбуки бу имкониятларни келгусида ўз ғояларини амалга ошириш учун ишга солиши мумкин эди. Бошқача айтганда, шахснинг ижтимоий ёки моддий бўлишидан катъи назар, атрофидаги муҳит билан ўзаро муносабатларига ижодий ёндошуви ушбу шахс-

нинг мавжуд тенденция ва қонуниятларни аниқлаш ҳамда улардан ўз режаларини амалга ошириш мақсадларида фойдаланиш қобилиятини назарда тутати. Шундай қилиб, ижтимоий ўзаро муносабатлар жараёнида ўзини фаол тарзда кўрсатган шахсдан инсон шахсий-ижтимоий ривожланишининг олий даражаси шаклланадики, уни ижодий шахс деб аташ мумкин.

Бундай шахснинг сифат мақоми авваламбор у ўзининг ижтимоий ҳаётида қандай ишларни қила олаётгани, ўзининг шахсий-индивидуал тизими имкониятлари: қобилиятлари, ақл-идроки, интилишлари ва ният-режаларини юзага чиқаришга қай даражада муваффақ бўлаётгани билан белгиланади. Мадомики ижодий шахс ижтимоий ривожланиш поғоналарининг олий босқичи экан, у кишилиқ ҳамжамиятига муайян тарихий даврнинг имкониятлари: ғоялари, назариялари ва янгиликларининг шахсда тажассум топган тимсоли сифатида кириб келади ҳамда шу имкониятларни жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаол тарзда амалга оширишга киришади. Ижодий шахс оддий одам эмас, балки тарихий мавжудотдир, у ўзини макромухит миқёсида намоён этади, унинг тақдири эса инсоният тараққиётини узвий қисм сифатида белгилаб беради.

Ижодий шахс даражасини бу ҳолда таърифлаш инсоният тарихида «ёвуз даҳо» деб ном олган масалани тушуниш учун муайян нуқтаи назардан ундошиш имкониятини беради. Ёркин ва шубҳасиз кучли шахслар ёвузликка хизмат қилиб, инсоният тарихида қонли из қолдиришининг сабаби нимада? Нега энди улар ижтимоий ҳаракатларини нега энди халқлар бошига балою кулфатлар ёғдиришга йўналтиришади? Замондошлари ва авлодлар хотирасида қўли қонга ботган жаллод сифатида ном қолдиришга уларни қандай куч мажбур қилади?

Бундай ижодий шахсда азалий бузғунчи ибтидо мавжуд, у ўзини намоён этиши эса кўпинча шахснинг ижтимоий аталганлиги билан боғланган бўлади, деб тахмин қилиш мумкин. Бироқ бу дунёга келган ҳар қандай одам уни янада яхшилаши, эзгулик уруғини сочиши, адолат ўрнатишга ёрдам бериши, бошқаларга бахт-саодат келтириши керак, деб ишонгимиз келади. Ана шу нарсалар ҳақида шахснинг тушунчаси жамият тушунчасига мос келмай қолиши ҳоллари

учраб туради. Одам ўз кўнглида яхшилик деб билган нарса жамиятнинг назарида ёвузлик бўлиб чиқиши мумкин. Яъни, шахс ахлоқий жиҳатдан одамлар учун яхши иш қилаяпман деб ўйлаши, бироқ аслида шу иш кўпчиликка жуда катта ахлоқий зарар етказиши мумкин.

Кишилик жамияти ҳаётининг турли жиҳатларини акс эттирувчи бу хил ахлоқий категориялар (эркинлик, адолат, тенглик, меҳр-муҳаббат, хиёнат ва ҳ.) одамлар ўртасидаги мулоқот жараёнидагина ўзининг асл моҳиятини намоён қилади, ахлоқнинг амалдаги ифодаси сифатида кўринади. Ахлоқни ташкил этувчи таркибий қисмлар орасида айнан ана шу мулоқотгина шахслараро муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида муайян ижтимоий тизим доирасида ахлоқнинг ҳақиқий характерини, у аслида нималигини аниқлаш имконини беради. Мадомики яхлит жамият фаолияти, барча ижтимоий муносабатлар, одамларнинг ўзаро мулоқоти орқалигина амалга ошар экан, мулоқатнинг таърифи асосида ижтимоий муносабатлардаги ва одамларнинг ўзаро таъсирларидаги ахлоқий, яъни соф инсоний жиҳатни таърифлаш мумкин.

Мулоқот нима ва у қандай кечади?

Мулоқот - инсон ижтимоий фаоллигининг асосий шакллари билан бири бўлиб, у билан атроф муҳит ўртасидаги қайтарма алоқали муносабатдир, бу муносабат эса авваламбор мақсадлар ва қадриятларга ҳамда улар йўналтирилган нарсаларга боғлиқ.

Ўз навбатида, мақсадлар ва қадриятларни танлаш, уларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари кўп жиҳатдан шахслар ўртасидаги ўзаро таъсир субъектларига боғлиқ.

Инсон туғилган пайтиданок мулоқот доирасига киради. Чақалоқ дастлаб онаси ва бошқа катталар билан мулоқот қилади; аста-секин тенгдошлар билан мулоқот юзага келади, инсоний ижтимоий ривожланиши жараёнида эса унинг аҳамияти катталар билан ўзаро муносабатларнинг аҳамиятидан кам эмас. Бироқ гўдакнинг мулоқоти кўп томонлама ўз-ўзидан келиб чиқувчи характерга эга: у катталар билан

муносабатда ҳали заиф, у бу муносабатларни англамайди, бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмайди; бу ёшда тенгдошлар билан мулоқот ситуатив ва жанжалли тусда кечади - болалар ўзаро бирпасда талашиб қолади ва яна тезда ярашиб кетаверади.

Бироқ балоғат ёшига келиб, бу ҳолат ўзгаради. Ўсмир улғайиш ҳиссини сезганида ўзини гўё қайтадан кашф қилади, бу кашфиёт эса уни ўзи яшаб турган ижтимоий ва маданий муҳитнинг ахлоқ нормалари ва қадриятларига нисбатан ўзининг муносабатларини қайта кўриб чиқишга ундайди. Балоғат ёшида ҳар бир ўсмир учун ниҳоятда азобли бўлган маънавий-руҳий ўзгаришлар юз беради, бу жараёнда у ўзи бетакрор инсон, ноёб шахс эканлигини англаб етишдек мураккаб масалани ўзи учун ҳал қилади.

Бу муаммони ҳал этиш ҳеч ким учун осон кечмайди, чунки инсон эга бўлаётган мустақиллик ва нисбий эркинлик каби янги хусусиятлар ўсмирни унинг атрофидаги одамлар билан аввал уйғун бўлган муносабатларида зиддиятлар пайдо бўлишига шарт-шароитлар яратади, ҳатто, балоғат оstonасида деярли ҳар бир одам бошидан кечирадиган маънавий танглик вазиятига олиб келади. Мулоқотнинг объектив ва субъектив шартлари, ҳаётда мўлжал олишнинг шахсий баҳолари ўзгаради, ота-она ва бошқа яқин кишилар билан муносабатлар эса шаклан аввалги шубҳасиз ҳолатида қолгани ҳолда янги мазмун касб этади.

Бошқа томондан, шаклланаётган шахсият ибтидосига мос келувчи мулоқотнинг янги хиллари пайдо бўлаётгани ва ижтимоий, руҳий, маънавий тажриба эгалланаётгани туфайли инсоннинг ички олами, яъни шахсий кечинмалар, хатти-ҳаракат сабаблар ва афзал кўриниладиган нарсалар олами бойиди, шахсий фазо кенгайди, шахсда ўзини ўзига ўхшашлар билан айнанлаштириш қобилияти шаклланади. Бу эса ўз навбатида инсон ижтимоий-маънавий ривожланишининг янги янада юксак bosқичида ўзини бошқа одамлар билан, социум билан бирлаштиришига; шу социумнинг ахлоқ нормалари, қадриятлари ва қарашларини ўзининг ички оламга қабул қилиб худди ўзиникидек ҳис этишига; бошқа одамда ўзининг гўё бошқача бир давомини кўраётгандек бўлишига ёрдам беради.

Ёки шахс жамиятнинг ахлоқ нормалари ва қадриятларини ўзининг маънавий императивига, маънавий қадриятларининг асосига киритмайди, бу ҳолда эса унинг социум билан мулоқоти салбий ва ҳатто антагонистик, зиддиятли характерга эга бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам мулоқот ҳар бир инсон учун ўзига хос ижтимоий-маънавий ижод ҳисобланади, шунинг натижасида инсоний муносабатлар яратилади, шахснинг олий қадриятлиги таъкидланади, бошқа одамлар билан конструктив мулоқотга киришимлилик қобилиятида эса инсоннинг маънавий қадр-қиммати ва етуқлиги акс этади.

Мулоқотнинг хилма-хил турлари, усуллари, шакллари ва йўсинлари мавжудки, уларнинг бирбиридаги фарқланганлиги инсон ҳаёти бағоят кўп кўринишларга эга эканлигини кўрсатади.

Услуби бўйича, мулоқот қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Шахсиятсиз мулоқот - кўчада, транспорт ёки бошқа жамоатчилик жойларида одамлар ўртасида бўлиб ўтадиган ва шахсий-индивидуал муносабатларни талаб қилмайдиган қисқа муддатли, ўткинчи алоқалар;

Расмий мулоқот - гуруҳлар ва жамоаларда ижтимоий тарзда белгиланган муайян қоидалар, жумладан, одоб қоидаларига асосланувчи ва муайян даражада инсон шахсиятининг жиддий таъсирисиз содир бўладиган мулоқот;

Хиссиётли мулоқот - шахслар бир-бирини ёқтириш-ёқтирмаслиги яққол эмоционал намоён бўлувчи мулоқот.

Шахсиятсиз мулоқотда одамлар бир-бирини одатда ижтимоий муҳитнинг мавҳум вакиллари сифатидагина идрок қилади, кундалик ҳаётининг фаолият жараёнида улар билан муносабатда бўлиш зарурат эканлигини тушунади, шу сабабли ҳам бу тарздаги ўзаро мулоқотга унга киришувчиларнинг бири-бири учун руҳий ва маънавий жиҳатдан «ёпиқ»лиги хосдир. Яъни, шахсиятсиз мулоқотда инсоннинг шахсий моҳияти, сифат мақоми очилмайди, у ўзини мавжуд ижтимоий организмнинг алоҳида вакили сифатида ифодалайди.

Расмий мулоқот - барча даражадаги институтлаштирилган тузилмалар доирасида содир бўладиган, умумий ғоялар,

касбга ва ишлаб чиқаришга доир ҳамда бошқа хил манфатлар ўзаро бирлаштирган одамларнинг иш юзасидан ўзаро мулоқоти бўлиб, руҳий ва маънавий жиҳатдан, шахсиятсиз мулоқотга нисбатан каттароқ очиқликни назарда тутди. Расмий мулоқотнинг яққол белгиси инсоннинг шахсий моҳияти ҳиссий тарзда намоён бўлишига йўл қўйилмаслиги ва шу сабабли мулоқот қилувчилар ўртасида бегоналикнинг муайян чегараси сақлаб турилиши оқибатида намоён бўладиган унинг расмий-стандартлаштирилган характеридир.

Ҳиссиётли мулоқот - қариндошлар ва яқин кишилар ўртасида шахс руҳий ва маънавий жиҳатдан батамом «очиқлиб», ижобий ҳамда салбий маънода ўзини эркин қўйиб юборадиган муомала тури. Бу мулоқат сайланма-шахсий характерга эга бўлиб, унда мулоқот қилувчилар ўзларининг асл ҳис-туйғулари, ҳиссиётлари ва муносабатларини бир-биридан яшириб ўтирмай, бир йўла тўкиб солишгача боради. Жамиятда қабул қилинган ахлоқ-одоб нормаларига доим ҳам мос келавермаслиги сабабли бундай мулоқот аксари вақт яккама-якка, сир тутилган ҳолда кечади, кўпчиликнинг олдидан мумкин қадар четроқда ўтади.

Мулоқот турлари ўз навбатида хилма-хил оҳангларга эга бўлиб, ҳурмат, эҳтиром, илтифот, тақаллуф, назокат, эътибор, лутф, ширинсуханлик, меҳр-мурувват, самимийлик ва ҳоказо тушунчалар орқали ифода этилади. Ушбу тушунчаларнинг барчаси эса мулоқотлик тушунчасига асосланган.

Этика фани анъаналари доирасида мулоқотлик «одамларга нисбатан ҳурмат..., ҳаммага хайрихоҳлик..., бошқаларга хизмат кўрсатишга тайёрлик... в.ҳ. » деб таърифланади, яъни шахс атрофидаги одамларга қаратилган сифат деб белгиланади. Бундай мажбурловчи йўналганлик эса баъзиларнинг, айниқса максималистик руҳдаги ёшларнинг ҳамма нарсага қарши чиқувчи бир қисмида, ички норозилик ҳиссини уйғотади: «ҳеч кимдан қарз жойим йўқ, демакки, бошқаларга мулоқот бўлишим ҳам шарт эмас», деб ўйлашади улар. Шу хил эътироз ўсмирада анча вақт сақланиб қелиши ва унинг одамлар билан мулоқоти шаклини бир умрга белгилаб бериши мумкин. Ана шундай ҳолларда, мулоқот ту-

ридан қатъи назар, мулойимлик ўрнини дағаллик, қўполлик, сурбетлик, такаббурлик ва бошқаларга очиқдан-очиқ менсимай қараш каби иллатлар эгаллайди.

Табийки, социумда мулоқотнинг бундай шакли мақбул эмас, зотан у ўзаро муомалада зиддият туғдиради ва пировард-оқибатда одамни ёлғизликка - ижтимоий-маънавий жиҳатдан оғир ҳамда хавфли ҳолатга олиб келади. Ижтимоий ёлғизлик - жамиятдан айрилиб қолиш, яккамаховлик шахсда ҳеч кимга керакмаслик, ҳаёти беҳудалиги ҳиссини пайдо қилади ва шунинг якунида оғир тушқинлик ҳолатига ва ҳатто шахс ўз жонига қасд қилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу сабабли ҳам мулойимлик ўзи нима, деган масалага ойдинлик киритиш лозим: мулойимлик - бу шахснинг бошқа одамлардан ҳам кўпроқ ўзига нисбатан бўлган муносабати, ўзининг қадр-қимматига муносиб келадиган хатти-ҳаракатлари демақдир. Одам ўзини қанчалик ҳурмат қилса, атрофдагилар билан мулоқотда шунчалик мулойим бўлади. Мулойимликнинг бу таърифи ахлоқ-одобнинг «Сенга қандай муомала қилишларини истасанг, ўзинг бошқаларга шундай муомала қил» деган асосий, «олтин» қондасига ниҳоятда мос келади.

Шахс кундалик мулоқотда мулойим бўлишида ва хатти-ҳаракатини шунга мослашида этикет - одамлар ўртасидаги муносабатларни, ўзаро муомала, шахс ўзини тутиши, кийиниш, сўзлаш одоби ва ҳоказо хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи қоидалар мажмуаси кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Этикет жамият ҳаётининг устунларидан бири, ижтимоий интизом ва ахлоқий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос шаклидир. Ўзаро муносабатларни этикет ёрдамида тартибга солишнинг ижтимоий қиммати шундаки, у мулоқот жараёнида вужудга келиши ва одамлар ўртасидаги муносабатларнинг самарадорлигига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган кескинлик, ҳатто ўзаро тушунмовчилик каби нохуш ҳолатларнинг олдини олади, у типик вазиятларда хилма-хил одамларнинг хатти-ҳаракатларини мўтадиллаштириб, маълум бир меъёрга келтиради. Ана шу сабабли этикет қоидалари одамлар ўртасидаги мулоқотнинг ҳар уччала тури - шахсиятсиз, расмий ва ҳиссиётли муло-

қотга нисбатан баравар қўлланади ва қуйидаги йўналишлар бўйича таснифланади:

- а) жамият жойларидаги хатти-ҳаракат қоидалари;
- б) хизмат этикети;
- в) суҳбатлашиш ва хат ёзиш қоидалари;
- г) танишув қоидалари;
- д) меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш қоидалари;
- е) оилавий этикет;
- ж) эркак-аёл ўртасидаги муносабатлар этикети.

Этикет қоидалари фақат ташқи мулоқот маданиятини ўзида мужассам этади, бинобарин, уларни батафсил билиш, қолаверса, уларга риоя қилиш жамиятнинг оддий, статистика ҳисобидаги ўртача аъзоси учун гўё шарт эмас, деб ҳисобланади. Бироқ бу фикрнинг хатолиги шундан ҳам маълум бўладики, этикетнинг элементар қоидалари инсоннинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, кийиниши, гап-сўзи ва ҳатто ҳиссиётларида акс этиб, унинг ички ижтимоий-маънавий ривожланиши босқичи, руҳий-маданий даражаси ва ҳаёт тажрибаси қандайлигини атрофдагиларга ошқора, бор бўйича намоиш этади. Этикет қоидаларини инкор этиш эса одатда мулоқот бобида қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Бу ўринда адолат юзасидан шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мулоқотдаги қийинчиликлар объектив тарзида мавжудлиги, яъни инсонга, унинг шахсий ва маънавий хусусиятларига доимо ҳам боғлиқ эмаслиги туфайли, улар этикет ёрдамнинг ўзи билангина йўқолмайди.

Мулоқотдаги қийинчиликларнинг сабаби шуки, мулоқот ҳеч қачон шунчаки бўлмай, доимо аниқ бир нарсага қаратилган. Ана шу аниқликка боғлиқ ҳолда улар ё энгиб ўтилади, ёки энгиб ўтилмайди, аммо этикет ёрдамида жуда бўлмаганда юмшатилади.

Мулоқотдаги қийинчиликлар қуйидаги сабаблар бўйича вужудга келиши мумкин:

- а) ижтимоий гуруҳлар фарқи (жинс, ёш, ижтимоий келиб чиқиш, маълумот, касб, тураржой);
- б) ижтимоий вазифалар фарқи (бошлиқ - ходим, ўқитувчи - ўқувчи, текширувчи - текширилувчи ва ҳоказо);

в) қадрият мўлжалларнинг баҳолаш фарқи (фаоллик, осойишталик, фойда, зарар, роҳатланиш, бахт, худбинлик ва шунга ўхшаш тушунчаларнинг турлича тушунилиши).

Мулоқотдаги ўзаро тушунмовчиликнинг сабаби сифатида қадрият мўлжалларнинг фарқи ҳиссиётли мулоқотда айниқса яққол кўринади, расмий мулоқотда камроқ аҳамият касб этади, шахсиятсиз мулоқотда эса умуман ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ижтимоий вазифалар фарқи мулоқотдаги қийинчиликларнинг сабаби сифатида мулоқотнинг расмий ва шахсиятсиз турларида зиддият келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолда ҳиссиётли мулоқотда аҳамияти камроқ.

Ва ниҳоят, ижтимоий гуруҳлар фарқи мулоқотнинг шахсиятсиз ва расмий, айниқса ҳиссиётли турларида ўзаро тушунмовчиликлар вужудга келишида аҳамиятлидир.

Бир-биридан фарқли бўлган ижтимоий гуруҳларга мансублик мулоқот жараёнида муаммоли вазиятлар шу фарқни яратувчи сабаблар доирасида объектив тарзда қайта шаклланаверади. Бу сабабларни бартараф этиш ёки бартараф этолмаслик имкониятлари эса мулоқот қилувчиларнинг шахсий ҳамда маънавий хусусиятларидан (гарчи улар ҳам муҳим аҳамиятга эга булса-да) ҳам кўпроқ ушбу гуруҳларнинг фарқи омилларига боғлиқ. Қолаверса, тураржой, касб, маълумот, ижтимоий келиб чиқиш, ёш, жинс каби фарқловчи белгилар қаторида ҳар бирига боғлиқ бўлган ўзаро тушунмовчиликни енгиб бўлмасликнинг даражаси ортиб бораверади ва энг юқори кўрсаткичга этади.

Одамлар фарқларининг географик жиҳати ўзаро тушуниш йўлидаги биринчи тўсиқ бўлиши керакдек туюлади. Бироқ умумий манфаатлар, умумий қадрият, мўлжаллар ва умумий маънавий қарашлар мавжудлиги турли миллатлар ва элатлар вакилларининг мулоқотдаги тилга ҳамда географик ҳолатларга боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгиб ўтиб яқинлашишига ёрдам беради:

Одамлар хилма-хил касбга ва маълумотга эгаллиги ҳам мулоқотда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, ammo мулоқот қилувчиларнинг бир-бирини тушунишга астойдил уриниши туфайли улар ҳам енгиб ўтилади.

Шундай қилиб, тураржой, касб-кор ва маълумот одамлар мулоқот жараёнида бир-бирини мутлақо тушунмаслигига сабаб бўла олмайди. Лекин қуйидаги омиллар бундан мустасно.

Одамларнинг ижтимоий келиб чиқишидаги тафавут (аслзода - оддий, бой - камбағал в.ҳ.) ва шунинг натижасида ижтимоий ҳамда мулкый мақомда пайдо бўлган фарқ инсониятнинг олис тарихи мобайнида мулоқот учун деярли мутлоқ характердаги қийинчиликнинг сабаби бўлиб келган. Бироқ ўтган XX аср тарихий шарт-шароитлар туфайли бу фарқнинг ўткир қирраларини текислади ва этик жиҳатдан муомалага яроқли даражага олиб келди ва ҳозирги кунда одамларнинг келиб чиқишидаги фарқ мулоқотдаги қийинчиликнинг сабаби сифатида мулоқот қилувчиларнинг элементар тарбиясизлиги оқибати бўлиши мумкин, холос.

Ва бу ҳолнинг аксини ҳам кузатамиз. Айнан XX аср, ўзининг илмий-техник ютуқларига, жумладан, оммавий коммуникация воситаларининг кенг тарқалиши билан ўзаро мулоқотда ёш хилма-хиллигидан келиб чиқувчи ҳамда «оталар ва болалар зиддияти», «авлодлар зиддияти» деб ном олган қийинчиликлар хавф туғдирувчи оммавий характер касб этибгина қолмай, балки муросасизлик даражасигача етиб боришига олиб келди. Бунинг сабаблари кўп жиҳатдан шундаки, минглаб йиллар мобайнида фарзандлар одатда оила шароитида турган ҳолда жамиятга олиб кирилган, яъни улар бунинг учун зарур бўлган ижтимоий-этик ахборотнинг барини амалда фақатгина ота-онасидан олган, бинобарин, уларни шунга яраша иззат-ҳурмат қилган, эъзозлаб бошига кўтарган. XX асрда эса ёш авлод ахборот олишда муайян мустақилликка эришгани ва ҳатто этикага доир ахборот олишда ёши каттароқлардан илгарилаб кетгани илмий-техник тараққиётнинг салбий оқибати бўлиб чиқди.

Бу хил ахборот мустақиллиги натижасида эса, ота-она берадиган ижтимоий-этик ахборот долзарб бўлмаган, эскирган ҳаётдаги барча ҳоллар учун универсал саволларга жавоб бера олмайдиган ахборот сифатида инкор этила бошланди. Яна шу сабабли ҳам ўсмир ўзининг шаклланиб келаётган ҳаётий тажрибасини ота-онасининг ҳаётий тажриба-

сига қарши қўядиган бўлди. Бу қарама-қаршилик эса, афсуски, доимо ҳам ижобий шаклда намоён бўлавермайди, аксари ҳолларда эса, «оталар ва болалар» мулоқотини ҳар иккала томон учун тоқат қилиб бўлмайдиган азобга айлан-тириб юборади. Чамаси, ана шу туфайли ҳам айнан XX аср қариялар уйи деб аталувчи ва этик жиҳатдан даҳшатли бўлган ҳодисани яратди, ўз ота-оналарини ўша ерга олиб борувчи фарзандлар эса «авлодлар зиддияти» муаммосини мана шу хил «энг осон» усулда ҳал қилишни маъқул топишади-ю, аммо бу қилмишлари ахлоқ-одоб доирасига сиғмаслиги тўғрисида ўйлаб ўтиришмайди.

Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, «оталар ва болалар» муносабатидаги зиддият сабаблари кўп бўлиши ва этик жиҳатга оид муаммоларнинг ўзи билангина чекланиб қолмаслиги мумкин. қолаверса, ҳаётда яна шундай вазиятлар ҳам кўп учрайдики, ёш авлод вакиллари ўз ота-оналари билан мулоқот қилишдан мутлақо бош тортган ҳолда ота-оналари ёшидаги кекса авлод кишилари билан яхшигина дўстона муносабатда бўлишади.

Ана шу туфайли оталар ва болалар мулоқотидаги зиддият сабабини уларнинг ёшлари фарқлигининг ўзидангина излайвериш тўғри эмас. Мулоқот давомида, вазиятга тўғри баҳо бера билмаслик, суҳбатдошнинг ўзига хос жиҳатларига инобат қилмаслик, унга етарлича ҳурмат қилмаслик каби нуқсонлар барча ёшдаги одамларда учрайди. Инсоннинг-суҳбатдошга ҳурмат қилиш орқали мулоқотда ўз қадр-қимматини намоён этишга тайёр эмаслиги, конкрет шахсга нисбатан, ҳатто у фақат салбий таассуротларни уйғотаятган бўлса ҳам, ўз хайрихоҳлигини ифодалашни истамаслиги мулоқотга киришувчиларнинг ёшидан қатъи назар, мулоқотдаги зиддиятларнинг асосий сабаби бўлиб чиқади.

Мулоқотдаги объектив қийинчиликларни янада оғирлаштирувчи салбий омиллар ҳар хил жинсдаги одамлар мулоқотидаги қийинчиликларда айниқса бор бўйи намоён бўлади. Чунки умумий жиҳатлар хилма-хиллигининг айнан ана шу кўриниши мулоқот қилувчиларнинг ўзаро мутлақо қарама-қаршилигини келтириб чиқарадики, бу зиддиятнинг илдизлари инсоният табиатида аввалбошдан мавжуд.

Гап шундаки, мулоқот одатда шахс ўзини бошқа одамга ўхшаш деб билишини кўзда тутеди. Эркак билан аёл эса ўз моҳиятига кўра мутлақо бошқа-бошқа мавжудотлар бўлиб, уларнинг фарқини тасвирли равишда Ер ва Ойнинг фарқига таққослаш мумкин. Бу ҳол физиолог, биолог, генетик, психолог ҳамда инсоннинг жисмоний, руҳий ва бошқа хил моҳиятларини ўрганиш соҳасида янги-янги кашфиётлар қилаётган бошқа барча олимлар томонидан исботлаб берилган.

Бу ўринда муаммо жинсларнинг қайси бири яхши-ю қайси бири ёмонлигида эмас, балки улар хилма-хиллигида: эркак ва аёл тана тузилиши, қон таркиби, ақл-идрок тарзи, мия ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро фарқланади, шунинг натижасида эркакларнинг фикрлаши ва ҳаётни идрок этиши аёлларникига нисбатан ўзгача. Атроф олами идрок этишдаги айни шу фарқ, чамаси, эркак ва аёлнинг жинсий аъзоларидаги фарқдан ҳам кўра муҳимроқ этик муаммо бўлса ажаб эмас. Ушбу гафовутни “Аёл нега бунчалик куйинаётганини” эркак ҳеч қачон тушунмайди, “мана шу нарсани у нима учун тушуна олмаётганини” аёл ҳеч қачон англаб етолмайди», деган иборада ифодалаш мумкин. Бу ибора ҳар иккала жинс вакиллари, уларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган, атрофдаги воқеликка шахс даражасидаги муносабат мезонларини тушуна олмаслигининг теран характерини очиб беради. Бу хил тушунмаслик мутлоқ ва нисбий, мавҳум ва воситали, норматив ва қадриятларга оид сингари категорияларда ифодаланиши мумкин. Тушунмаслик яширин ёки яққол, зиддиятли ёки зиддиятсиз, анланувчи ёки анланмайдиган бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам турли жинс одамлари ўртасидаги мулоқотда у доимо муайян даражада мавжуд бўлади.

Биргаликда узоқ умр кўрган эр-хотинлар, бахтли оилавий жуфтлар, инсоният миқёсида жуда ноёб бўлса ҳам ҳар қалай учраб туради. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар эса узоқ вақт давомида уйғун кечгандек кўринса ҳам, туб замирида жинслар орасидаги яширин зиддият ётади. Узоқ вақт бирга тинч ва тотув яшаган эр-хотиндан «Аҳил-тотувлигининг сири нимада?» деб алоҳида-алоҳида сўраб кўрсангиз, улар тахминан қуйидагича жавоб беришади: эр -

« Мен шундай ажойиб инсонманки, сабр-тоқатимга балли!».. деса, хотин - «бунинг учун асабларим адо бўлди!» дейиши эҳтимоллиги катта.

Тўғри, истиснолар ҳам бўлади, аммо ҳар қандай истисно сингари улар ҳам умумий қоидани, бу ўринда қуйидаги қонуниятни янада кўпроқ тасдиқлайди: эркак ва аёл ўртасидаги мулоқотда доимо зиддият яширинган (бу ўринда эркак ва аёл алоҳида олинган шахслар сифатида эмас, балки шу тушунчаларнинг энг кенг маъносида англашилади).

Бироқ, шунга қарамай, жинслар ўртасидаги мутлоқ зиддият эркак билан аёл ўзаро жисмоний ва ҳиссий эҳтиёж сезиб, бир-бирига интилишига халақит беролмайди. Бу хил интилиш даражалари шахслараро муносабатларнинг ёқтириш, хайрихоҳлик, дўстлик ва муҳаббат сингари шакллари дойрасида ўзгариб туради.

Агар эркак ва аёлнинг бир-бирига муносабатида ёқтириш, хайрихоҳлик, дўстлик муайян руҳий якинлик, умумий манфаатлар, ўзаро тушуниш ва ёрдамни кўзда тутса, яъни мулоқот қилувчиларнинг ўзаро ижобий баҳоси ҳамда уларнинг қадрият мўлжаллари ва тасаввурларидаги мувофиқ асосида шаклланса, эркак билан аёл, яъни турли жинслар ўртасидаги севги аксари ҳолларда ҳаётнинг ўзи белгилаб берган воқелик, турмуш тақозоси сифатида намоён бўлади.

Севги шахслар ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан бошқача тури бўлиб, аксари ҳолларда инсон севги объектини танлаш имкониятига эга эмаслиги ва уни ўзининг тасаввурлари, хоҳиш-истаклари, идеалига мослай олмаслиги билан боғлиқ. Бу ўринда севги парадоксининг маъноси шундаки, инсон севадиган одамини ўзи хоҳлаб топа олмаган ва уни, шахсий хусусиятларидан катъи назар, тақдир ато этган конкрет воқелик сифатида қабул қилган ҳолда ҳам, ҳатто шундай севги-муҳаббат ҳам инсоннинг ҳаётига ва оламга нисбатан муносабатига чуқур мазмун ва ҳақиқий қиймат беради. «Ҳақиқий севги бир одам иккинчисини нега ва нима учун севишини ҳеч қачон тушунтириб бера олмайди», деган ҳикматли сўз мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Севги моҳияти хилма-хил кўринишда намоён бўлади: ота-она ва қариндош севгиси, Ватанга ва Аллоҳга нисбатан сев-

ги, муайян бир машғулот ёки ғояни яхши кўриш, жониворга ва сажда қилинадиган одамга муҳаббат в.ҳ. Бироқ севгининг энг мазмунли ва тўлақонли ифодаси бир-биридан фарқли бўлган жинсларга мансуб одамла ўртасидаги муносабатларда мужассамлашган бўлиб, эротик муҳаббат деб аталади.

Ишқ-муҳаббат. Бу мавзунинг битмас-туганмаслиги аён. Турли халқларнинг бизгача етиб келган афсонаю ривоятларига кўра, севги барча замонларда ҳам инсоннинг ақлини банд этиб, қалбини тўлқинлантирган. Турли даврларнинг шоирларию ёзувчилари, файласуфларию мистиклари, мусавирларию бастакорлари ўзлари танлаган жанр имкониятлари ёрдамида эротик севгининг жозибаси, гармонияси, драмаси, фожиасини ифодалашга, сир-асрорларини очишга уринишган. Ҳозиргача инсоният эркак ва аёл ўртасидаги севгидек ноёб ҳодисанинг туб моҳиятини англаб етиш учун ниҳоятда улкан тарихий-адабий материал тўплаган. Ушбу мероснинг маданий-тарихий аҳамияти қанча улуғланса, шунча оз. Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, ўзаро муносабатларимизнинг шакли ўзгараяпти, туйғуларимиз ривожланаяпти. Ҳар бир давр эротик севгини ўзича изоҳлашга, унинг тимсолини яратишга уринади, зотан, ўз даврининг ижтимоий-маданий ва тарихий шарт-шароитлари инъако-си бўлган севги уларнинг доирасида кўриб чиқилиши керак, чунки у ўзида ўз даврининг изини сақлайди.

Эротик севги ўзига хос инсоний муносабат, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатнинг алоҳида бир тури сифатида сексуал, ҳиссий ҳамда интеллектуал алоқалар асосида қурилади, шу боис ҳам у сексуал жозоба, теран руҳий яқинлик ва ҳурмат-эҳтиромдан иборат учта таркибий қисмни ўз ичига олиши керак.

Агар ана шу уччала таркибий қисмни образли тарзда тасаввур этадиган бўлсак, ҳурмат-эътибор - бу севгининг пойдевори, асосидир. У қанчалик мустаҳкам бўлса, севги шунча узоқ яшайди. Ва аксинча, таркибий қисм сифатида ҳурмат-эътибор йўқлиги қонуний равишда ўзаро муносабатлар бузилиб кетишига олиб келади.

Теран руҳий яқинлик - муҳаббатнинг ўзига хос, устундирки, севишганларнинг умумий манфаатлари қанчалик кўп

бўлса, улар ҳам шунчалик кўп бўлади. Ана шу таркибий қисм туфайли севги ҳис-туйғуларнинг бениҳоя бой оламини га-лаёнга солишга, дунёни идрок этишни серқирра ва маф-тункор қилишга, инсонга ҳаёт мазмунини беришга қодир, зеро, бошқа бир инсон мутлақо бебаҳо эканлигини англаб этиш туйғуси туфайлигина киши ўз ҳаётидан мазмун топа олади.

Ишқ-муҳаббатнинг энг олий мақоми, жозибадорлиги билан ўзига оҳанрабодек тортувчи, инсоннинг бутун бор-лиги - руҳиятига жисмини жунбушга келтирувчи, кўзни кўр, қулоқни қар қилиб қўювчи, беқийс ярқироқлиги билан кўзни қамаштирувчи энг юксак чўққиси эса жинсий иштиёқдир. Сексуал иштиёқ - инсон интим оламига, қалбининг энг мах-фий, яширин қатламларига очилган дарвоза, инсон ўзлиги-дан воз кечиши ва ўзлигини топиши ўзаро уйғунлашиб ке-тувчи жараён. Сексуал иштиёқ - севгининг таҳлил қилиш қийин бўлган «қаттиқ мағзи»дир ва у жуда кўп ҳолларда сев-гининг ўзи деб эътироф этилиб қолиши мумкин.

Бироқ, ҳақиқий севгининг моҳияти шундаки, уни таш-кил этувчи учта таркибий қисмнинг ўзаро уйғунлашиб ке-тишигина севгига юксак инсоний мазмун беради ва ишқий муносабатлар узоқ вақт ривожланишини таъминлайди.

Аммо асл муҳаббат ҳаётда ниҳоятда кам учрашини ҳам тан олиш керак. Зотан, биринчидан, ҳақиқий севгига қодир бўлиш илоҳий туҳфа эканлигидан ташқари инсоннинг ўзи-дан ҳам муайян руҳий-маънавий фазилатлар ва ижодни та-лаб қилади. Иккинчидан, тўлақонли ишқий муносабатларга бир томон лаёқатли бўлиши кифоя эмас, иккинчи томон ҳам ўзаро муносабатларда шу юксак мақомга муносиб бўлиши тақозо этилади. Ана шу боис ҳам ишқий ҳис-туйғуларини рўёбга чиқара олмаган одам кўпинча ўзини руҳий қийноққа қўяди: шу қадар олий мақомдаги инсоний ҳис-туйғуларни у ўзида сезишга ҳамда намоён этишга умуман, қодирмикан? Ёки ҳис-туйғулари ва маънавий имкониятлари тўла-тўқис очили-шига сабаб бўлувчи одамни ҳали учрата олмадимикан?

Шунга қарамай, инсонни ижтимоийлаштирувчи, яъни уни бошқа одамлар билан ўзаро муносабатлар доирасига жалб этувчи ҳодиса сифатида севги кенг тарқалган, шу са-

бабли ҳам уни муайян даражада тизимлаштириш талаб қилинади. Тизимлаштиришнинг асоси сифатида эса севги турларининг ишқ-муҳаббат ҳақидаги энг машҳур рисола – «Кама-сутра»да келтирилган, аммо замонавий тарзда англоувчи таснифидан фойдаланиш мумкин.

Севги ҳақидаги қадимги ҳинд рисоласи – «Кама-сутра»да унинг тўрт хил кўриниши ажратиб келтирилган:

1. Тасаввурдан туғилувчи севги

Маҳлиёлик деб аташ тўғрироқ бўлган бу ҳолат кўпинча ўйлаб топилади, у аллақандай идеал ҳақидаги орзулар асосида яратган рўё сифатида мавжуд бўлади ва шу боис ҳам, биринчидан, кўпинча жавобсиз қолса, иккинчидан, омонатлиги туфайли узоққа бормайди. Бироқ тасаввурдаги бу севгининг қиммати шундаки, у ҳақиқий муҳаббат эмас, балки у ҳақидаги орзу бўлгани ҳолда инсонда жинслар ўртасидаги ҳиссий муносабатларни амалда илк бора сезиш учун дастлабки кўникмалар шаклланишига ёрдам беради. Бинобарин, тасаввурдан туғилувчи севги, яшашга ҳақли эканлигидан ташқари, унинг ўсмирлик пайтидаги кечинмалари тажрибаси инсоннинг шахсий хусусиятлари сифатли шаклланишининг зарурий шарти ҳисобланади.

2. Ташқи омилларни идрок

қилиш натижасида туғилувчи севги

Севгининг бу тури турли жинсдаги одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар севги манбаини танлашда шахсий эркинликка асосланган Ғарб мамлакатларида кўпроқ учрайди. Бу хил севги одам бирон-бир ташқи омил (атир ҳиди, маълум бир ёруғлик, ранг, мусиқа ёки ҳар қандай бошқа таъсир) туфайли бошқа одамга нисбатан сексуал иштиёқни бирдан сезиб қолган пайтда вужудга келади.

Ҳамиша кутилмаганда, ўз-ўзидан туғилувчи, кўпинча тунунтириб бўлмайдиган бу ҳиссиёт одамни буткул қамраб олиб, жунбушга солади, тинчлигини бузиб, шу пайтгача унга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилишга ва ғалати туйғуларни сезишга ундайди. Бу хатти-ҳаракатлар ва туйғулар эса ҳам ижобий, ҳам салбий характер касб этиши мумкин.

Бу турдаги севгининг муҳим камчилиги шундаки, у фақатгина сексуал иштиёқ билан боғлиқ бўлганлиги ҳамда асл муҳаббатнинг бошқа иккита таркибий қисми - ҳурмат ва умумий руҳий манфаатлар билан мустаҳкамланмаган тақдирда ниҳоятда тез, қанчалик кутилмаганда туғилган бўлса, шунчалик кутилмаганда барҳам топади. Бунинг сабаби эса шундаки, сексуал иштиёқ ўз моҳиятига кўра инсоннинг ўзига бўйсунмайди, унинг иродасидан, истак-хоҳишлари ёки қадриятларидан ташқари туғилади ва ўлади, уни онгли равишда бошқариш ёки мажбурлашнинг иложи йўқ. Бинобарин, ташқи омил таъсирида туғилган севги шу омил йўқолиши билан ривожланишга рағбатидан маҳрум бўлиши ва ўз-ўзидан барҳам топиши хавфи доимо бор. Бу хил севгига эҳтиёж эса янги ташқи омил таъсирини, демакки, севги муносабатлари учун янги манбани излашда амалга ошади.

3. Доимий одатдан тугилувчи севги

Бу турдаги муҳаббат миллий-тарихий анъаналар ҳанузгача кучли бўлган, севги-никоҳ масалаларида ёшларнинг эркинлигини чекловчи одатлар сақланиб қолган Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Бундай вазиятларда турли жинсдаги одамлар ўртасидаги, ишқий ибтидодан маълум даражада маҳрум бўлган ўзаро муносабатлар мажбурий-ихтиёрий равишда ёнма-ён яшаш характерини касб этади ва аста-секин одатга, заруратга айлана боради. Бу жараён ижобий томонга ўзгара бошлаган ҳолларда эса ёшлар ўртасида севгига бевосита яқин бўлган туйғулар - ҳурмат-эҳтиром, умумий руҳий манфаатлар ва, маълум даражада, сексуал иштиёқ ҳам туғилади. Бинобарин, доимий одатдан туғилган севги яшаш ҳуқуқига эгалigidан ташқари ҳурмат-эътиборга ҳам сазовор.

4. Инсоннинг ўз-ўзига

ва бошқа одамларга ишончидан тугилувчи севги

Бу турдаги муҳаббатнинг асосий фарқи шундаки, кишилик жамиятида ниҳоятда кам учрайди.

Биз яшаб турган дунё, воқелик мукамал эмаслиги ҳаммага аён ҳақиқат. Худи шундай бу дунёга ўзининг туғилиш

ҳодисаси билан келиб қолган одам ҳам комилликдан йироқ. У ўзидаги зиддиятлар, хавфсираш-қўрқишлар, камчилик-нуқсонларни яхшилаб яширишга муваффақ бўлган тақдирда ҳам улардан изтироб чекмай ҳеч бир иложи йўқ. Шу сабабли шахсан ўта кучли инсонгина ўзига буткул ишониши мумкин (тўғри, баъзи телбаларда ҳам шу ҳолни кўрамиз, бироқ бу одамнинг оламга ва ўзига нисбатан муносабатининг тескари томонидир).

Инсон доимо ўзига хослиги билан ажралиб туради, аслида шу туфайли ҳам инсон деб саналади. Бинобарин, инсоннинг ўзига хослиги қай даражада кучли бўлса, руҳан унга яқин одамни топиш ва у билан яхши, ижобий муносабатни сақлаб қолиш ҳам шунчалик қийин. Зотан, севинч, севгининг ўзи ҳам ҳаёт каби бағоят хилма-хил кўринишга эга ва зиддиятларга тўлиғ. Гўзаллик, олижаноб ҳис-туйғуларнинг поклигию улуғворлигидан ташқари муҳаббатга араз ва севиб кетиш, хийлагарлик ва алдов, макр ва хиёнат, рашк ва ўч олиш каби тубанликнинг хилма-хил кўринишлари ҳам хос. Яна севги муносабатларига талабларнинг мажбурловчи характери хосдир: талаб-умиддан бошлаб, то қатъий, иккинчи томоннинг қабул қилмаслик реакциясини кўзгатувчи талаб даражасигача.

Тўғри, муҳаббатнинг нохуш, салбий кўринишлари унинг обрўсини кўтармайди ва унга жозибадорлик бағишламайди, албатта. Аммо шунга қарамай, ҳатто номукамал севги ҳам ҳар бир инсоннинг ҳаётида катта маънавий бойлик яратишини, чунки унинг руҳий-иродавий хусусиятлари ва ижтимоий тажрибаси шаклланишида муҳим рол ўйнашини тан олишга тўғри келади.

Ана шу сабабли ҳам севгининг ўзи нима, ишқий муносабатларда уйғунлик ва мукамалликка қай тариқа эришиш мумкин, деган муаммоларни ҳал этишга қадимги дунёда ва замонамизда кўплаб асарлар бағишлангани бежиз эмас. Ана шулардан энг машҳури эса юқорида эслатиб ўтилган қадимги ҳинд рисоласи – «Кама-сутра»дир.

Мазкур асар «Севги ҳолатлари» деб аталувчи маслаҳатлари, физиология ва эротика масалаларига доир йўл-йўриқлари билан кўпроқ маълум. Аслида эса «Кама-сутра» қадимги

дунёдаги тиббий, социологик ва этик-психологик билимларнинг ноёб манбаидир. Ушбу билимларни милоддан аввалги IV асрда ҳинд табиби Ватсаяна бир асарга тўшлаган. Тўғри, Ватсаяна ўрганишни таклиф этаётган нарсаларнинг аксарияти чекланган тарихий ва соф миллий-ҳинд характериغا эга. Бироқ унинг айрим йўл-йўриқлари бизнинг давримизда ҳам ўзининг этик-психологик аҳамиятини йўқотмаган ва инсоннинг нафақат севги маданияти, балки умуман ҳаёт маданиятидаги теран маънони ифода этади. Инсоннинг ҳаёт маданияти эса, Ватсаянанинг баён қилишига кўра, ҳаётдаги учта мақсадга: Дхарма - диний амалиёт, Артха - моддий фаровонлик ва Кама - ҳиссий лаззатга интилиш заруратига асосланиши лозим. «Кама-сутра» рисоласидаги ана шу таълимот ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, маҳоратга, инсон ҳаётида ана шу учала мақсадни уйғун равишда қўшиб юбориши зарурлигига бағишланган. Қадимги Ҳиндистонда бу ёдгорликни ўрганиш бадавлат шаҳарликлар дунёвий таълими ва хушмуомалалик маданиятининг зарурий қисми деб қаралгани бежиз эмас, қолаверса, Ватсаяна ўз рисоласида «Кама-сутра»ни эркагу аёллар ҳам, фоҳишалару аслзода амалдорларнинг қизлари ҳам ўрганиши кераклигини таъкидлайди, зотан, «ушбу санъатни ўзлаштириш туфайлигина инсон чинакамга омадли бўлади».

Мадомики биз, XXI аср одамлари ҳам ҳаётда ва севгида омадли бўлишни истар эканмиз, қадимги халқларнинг умминсоний аҳамияти ҳанузгача йўқолмай келаётган тажрибасини ўқлашимиз фойдадан холи бўлмас.

Рисолада «инсонга лаззат берувчи» 64 хил санъат (маҳорат) севгида омад келтириши кўрсатилади, биз эса шундан, Ватсаяна тасдиқлашига кўра, ишқий муносабатларни анча яхшиловчи «ётоқхонадаги 16 санъат»ни ажратиб олсак.

Ётоқхонадаги 16 санъат қуйидагича: 1) бошқа одамнинг ҳаракатларини билиш; 2) ўз ҳиссиётларини ифодалай олиш маҳорати; 3) киши ўзини таклиф эта билиши; 4) яхшилаб эркалаш, эротик ҳисларни қўзғатиш маҳорати; 5) белёпқични (ички кийимни деб тушунинг) ечиш; 6) жинсий қовушиш; 7) ишқий ҳаракатларда чаққонлик; 8) бошқа одамга юксак

лаззат бериш маҳорати; 9) ишқий лаззатдан тўлиқ қониқиш ва шерикни ҳам шунга етказиш; 10) шерикни ишқий ўйинга ундаш; 11) муайян жаҳлни ва ишқий ўйинда доимийликни кўрсатиш; 12) маълум вақтда жаҳлни керагича жиловлаш; 13) шерикни жаҳлидан тушириш маҳорати; 14) ухлаётган шерикни тарк этиш маҳорати; 15) шерикдан кейин ухлаш усуллари билиш; 16) қучоқлашган ҳолда ухлай олиш.

Шу ўринда жамиятимизда вужудга келган бир вазиятга эътибор беришимиз зарур, қизлар жинсий ҳаёт масаласида етарлича тайёргарликка эга эмас. Йигитлар эса видео, интернет ва бошқа хил оммавий ахборот воситалари орқали бу соҳадан яхшигина хабардор, айнан шу сабабли ҳам икки ўртадаги номутаносибликдан қийналишади. Сохта тортинчоқликни бир томонга йиғиштириб қўйиб, очигини айтдиган бўлсак, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда шундай ғаройиб лаҳзалар борки, шарқона ахлоқ-одоб руҳида тарбия топган ёшларимиз бу ҳақда бегона одамлар у ёқда турсин, ота-онаси билан гаплашишга ҳам ботина олмайди, буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди.

Қадимги ҳинд ёдгорлигида эса ана шу нозик масалалар ниҳоятда пардали тарзда ёритилган. Айни пайтда бу ахборотнинг этик қиймати жуда катта, чунки асосан ишқий муносабатларда шерикнинг сексуал иштиёқини уйғотишга қаратилган, шу сабабли ҳам у шерикни муайян тарзда рағбатлантиришга, демакки, ишқий муносабатларнинг ана шу нозик, башорат қилиш энг қийин бўлган соҳасида уйғунликка эришишга имкон беради. Зотан, Шарқ шоирининг ибораси билан айтганда: «ҳар куни қайта туғилмайдиган муҳаббат ҳар куни қилишга маҳкумдир».

Ватсаяна 4 «уттаракал», яъни охирида бажариладиган амаллар, деб атаган ахборотнинг этик-психологик аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Чунончи, у аёлларга «ётоқхона санъати» дан кейин қуйидагиларни тавсия этади: «1) кўзда ёш билан суҳбатлашиш; 2) сафарга чиқиб кетиши мумкин бўлган эрни рашк туйғуси туфайли тутиб қолиш учун унга бирон кишининг номини айта олиш; 3) эрни айрилиқдан сақлаб қолишнинг иложи топилмаса, у билан бирга кетиш; 4) эр аёлининг чақириқларига қарамай кетса, ортидан қараб қолиш».

Ҳозирги даврда бу хил «уттаракал»ларга истеҳзо билан қараш мумкин, албатта. Бироқ ушбу тавсияларнинг ҳозирги аёллар учун аҳамияти шундаки, замонавий жамият эркакларнинг вафосизлигини ҳатто қораламайди ҳам. Шу боис аёл эрини ёнида тутиш учун янги-янги воситаларни излаши баробарида севги масалаларида қадимгиларнинг асрлар мобайнида синовлардан ўтган тажрибасини ўйлаб кўриб қўллаши ҳам фойдадан холи бўлмас.

Ва, табиийки, ҳар бир аёл ишқий муносабатлар уйғун ва қонуний равишда эркак-аёл ўртасидаги муносабатларнинг кейинги босқичига - никоҳ ва оила қуришга ўтишини орзу қилади ва шунга интилади.

Ишқий муносабатларнинг оила-никоҳ босқичига ўтиши эса доимо турли жинсдаги одамларнинг ўзаро муносабатидаги муҳим лаҳзадир, ишқ-муҳаббат моҳиятининг унга қарши бўлган оилавий ҳаётининг кундалик бир хил шароитларида сўниб қолмаслиги, балки янада ривожланишидир.

Никоҳ ва оила – турли тушунчалар.

Никоҳ бу эркак ва аёл ўртасидаги, ижтимоий нормалар, шунингдек, ўзаро ҳуқуқ ва бурчлар тизими мажмуасидан иборат бўлган муайян муносабатлардир. Мазкур ҳуқуқ ва бурчлар эса маиший-хўжалик, озодалик, сексуал эҳтиёжларни, мулоқотга, билим олишга, маданий ривожланиш ва бошқа бўлган эҳтиёжларни қондириши лозим.

Оила эса никоҳга ёки қариндошликка асосланган ижтимоий гуруҳ бўлиб, социал институт хусусиятларига эга ва никоҳдагига нисбатан кенгроқ кўламдаги – эр-хотин, қариндошлар ва болалар, ака-сингиллар, бирга яшовчи ва умумий хўжалик юритувчи қариндошлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади.

Никоҳнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳар иккала томон бир-бири ва бўлажак фарзандлар учун ижтимоий мажбуриятни ўз зиммасига олади.

Ижтимоий мажбурият никоҳда ҳам, оилада ҳам ахлоқ нормалари, урф-одатлар ва анъаналар ёрдамида тартибга солиб турилади. Оиланинг турмуш тарзи ҳамда иқтисодий аҳволи оила аъзоларининг руҳий-шахсий шаклланиши ва

жамиятдаги ижтимоий мақоми, шунингдек, фарзандларни тарбиялаш ва меҳнатга лаёқатсиз бўлган оила аъзоларини боқиш учун жавобгарлик ана шу ижтимоий мажбуриятда жамулжам бўлган. Шу маънода ижтимоий мажбурият никоҳ ва оилагагина тегишли бўлган қуйидаги бир қатор ўзига хос вазифаларни шакллантиради: рўзғор юритиш, авлод қолдириш, болаларни тарбиялаш, оилада нормал руҳий ҳолатни сақлаш ва ҳоказолар. Бу вазифаларнинг ҳар бири никоҳ-оила муносабатларининг бир жиҳатини акс эттирадики, уни ривожлантирмай туриб, шу муносабатлар тўлақонли бўлишига эришиш қийин.

Хўжалик юритиш вазифаси – оиланинг асосий вазифаси бўлиб, бошқа барча вазифаларидан устун туради, чунки никоҳ-оила муносабатларининг етакчиси – лидерини, бу муносабатларни ким бошқаришини айнан у белгилаб беради.

Минг йиллар мобайнида эркак рўзғорни тебратиб келган, бинобарин, оила бошлиғи бўлган, аёлнинг вазифаси хўжаликни юритиш ҳамда фарзандлар тарбияси билан чекланган эди. Замонавий оила эса ижтимоий ҳодиса сифатида бу доирадан чиқди. Эр, отанинг бошчилик роли шубҳасиз тан олинадиган анъанавий оилалар билан бир қаторда замонавий жамиятда бошчилик роли ўзгариб турадиган ёки етакчилик аёлга тегишли бўлган оилалар тобора кўпаймоқда. Бунинг сабаби шундаки, ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этаётган аёллар ўзи пул топиш ва шунинг натижасида оиланинг моддий таъминоти масаласида эркакдан нисбий мустақилликка эришиш имкониятига эга. Бироқ бу вазиятнинг бошқа жиҳати ҳам бор: ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришда эркак ва аёлнинг тенглиги ўз-ўзидан тан олингани ҳолда уй-рўзғор, хўжалик юритиш масалаларидаги анъанавий қарашларга биноан ва айниқса шарқона-миллий турмуш тарзига асосланган оилаларда рўзғор ташвишларига кўмилиб кетган аёл эркак билан тенг вазиятда эмас. Бу муаммони ҳал этиш хўжалик юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини яхшилаш билан бир қаторда оила аъзоси сифатида аёлга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш билан ҳам боғлиқ.

Оиланинг авлод қолдириш вазифаси – фарзандларни дунёга келтириш ва эр-хотин ҳаётларни уларда давом эттиришидир. Ҳиссиётга бой микромуҳитни фақат оила ярата олади, ёш авлод шу муҳитда тарбияланиб, ижтимоий жиҳатдан шаклланади, ота-онанинг дунёқараши, одатлари, кўникмалари, турмуш тарзи, социумга бўлган муносабатини ўзига сингдириши орқали гўё уларнинг ҳаётини кўп томонлама давом эттиради. Ўз ҳаётини болаларида давом эттириш, ўзини фарзандлари тимсолида идрок этиш инсон учун ниҳоятда муҳим қадриятларга оид омил бўлиб, унинг ҳаётий фаолиятини рағбатлантиради, умрига қўшимча маъно-мазмун бағишлайди (табiiйки, бу ўринда гап ота-онанинг ўз фарзандларига нисбатан муносабатлари салбий тус олган, кўпроқ оталик ва камроқ вазиятларда оналик ҳис-туйғулари бузилган ва ҳатто йўқолган ҳоллар устида бормаётир).

Оиланинг тарбиявий вазифаси болалар тарбиясидан иборат, деб билинади, бироқ бу фикр унчалик тўғри эмас. Янги қурилган оилада нафақат фарзандлар, балки катталар ҳам тарбияланади.

Эркак ва аёл ўз оиласини қураар экан, унга ҳар бири ўзининг аввалги оиласида олган тарбия андозаси билан келади. Бу андозалар ўзаро анча фарқланиши, нималардадир ўхшаш бўлиши мумкин, бироқ бир хил оилалар бўлмагандек, бир хил тарбия андозалари ҳам йўқ. Бинобарин, ҳар қандай янги оила ота-она уйидаги ва ҳатто аввалги оиладаги тажрибадан фойдаланган тақдирда ҳам ўзининг тарбия андозасини яратади, уни янгидан қуради.

Мазкур жараённинг ўзига хос жиҳати шундаки, ёш эр-хотин оиланинг тарбиявий вазифасига болалар туғилган пайтидан бошлаб эмас, балки шу оиланинг ўзи ташкил топган пайтдан бошлаб қандай муносабатда бўлишига, бу вазифани қай даражада идрок этишига бевосита боғлиқ. Яъни, ёш эр-хотин бир-бирини тарбиялаш жараёнига, бошқача айтганда, ҳар икки томонга мақбул келадиган ва шу оилада шаклланаётган турмуш тарзининг барча жиҳатларини ўз ичига қамраб оладиган нормалар, қоидалар ва принципларни онгли, мақсадга мувофиқ ҳамда мунтазам равишда иш-

лаб чиқиш жараёнига ўз вақтида эътибор қилиши керак. Мабодо бу қулай фурсат бой берилса, уларнинг бир-биридан айб қидириш, тўйдан аввалги даврда яширин бўлган маънавий нуқсонларни топиш босқичи бошланади, у эса қонуний равишда оила-никоҳ муносабатлари бузилишига олиб келади. Бу салбий ҳолат фарзанд туғилганидан кейин фақат кучаяди, холос, чунки энди оиланинг тарбиявий вазифасини амалга ошириш учун қўшимча руҳий куч-қувват талаб қилинади. Анна шу сабабли ҳам тарбиявий вазифанинг аҳамиятини этик билим масалаларида беҳабарлик оқибатида оилавий муносабатлар бузилганидан кейин эмас, балки оила-никоҳ муносабатларига тайёргарлик даврида англаб етиш ниҳоятда муҳим.

Оиланинг психологик вазифаси барча аъзолари учун ўзига хос руҳий оромгоҳ бўлишдан иборат. Зотан, оила шундай бир ижтимоий-руҳий маскандирки, унда одам ижтимоий мулоқот жараёнида куни бўйи тўпланиб қолган зўриқишлар юкидан халос бўлади, жисмонан ва руҳан дам олади, асл ҳолига, ўзлигига қайтади. Бу ҳолатни атрофдагилар димо ҳам тўғри тушунавермаслиги мумкин, аммо у инсоннинг психофизик ҳолати ва асаб тизими тикланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида айтиб ўтканимиздек, социум ичида яшовчи инсон ўзининг ижтимоий аталганлигини рўёбга чиқаради, ўзининг ижтимоий вазифасини бажаради ва ўзининг ролини ўйнайди. Ана шу тарзда табиий ибтидодан устун келувчи ижтимоий ибтидо одамда муқаррар равишда маънавий-руҳий тарангликни вужудга келтиради, у эса ўз навбатида узлуксиз релаксацияни, яъни ҳар иккала ибтидони мувозанат ҳолатига қайтаришни талаб қилади ва айнан ана шу ҳолдагина одам атрофдаги воқеликни адекват идрок этиш имкониятига эга бўлади. Тўлақонли релаксацияга оила-никоҳ муносабатлари уйғун бўлган шарт-шароитлардагина эришиш мумкин, бунда оила аъзолари нафақат гўё бир хил ҳиссий-руҳий тўлқинга созлашиб қолгандек туюлади, балки ижтимоий-маънавий зўриқиш оқибатида юз берадиган баъзи салбий ҳолатларни тушунишга ҳамда кечиришга тайёр бўлади.

Оила-никоҳ муносабатларининг уйғунлиги ўз навбатида шу оилада унинг аъзолари бир-бирига кераклиги туйғусидек маънавий-руҳий сифат қай даражада эканига кўп жihatдан боғлиқ.

Кераклик туйғуси - инсоннинг ижобий дунёқараши устуни; оилавий муносабатларнинг ҳаётий муҳим таркибий қисми; инсон ҳаётни, шу жумладан оилавий ҳаётни жамики зиддиятлари билан биргаликда қабул қилиши учун маънавий-руҳий рағбат ва ниҳоят, ижтимоий ҳодиса сифатида оила ҳақиқийлигининг ўзига хос белги-аломатидир. Ўзаро кераклик туйғуси бирон ташвиш тушган ёки иқтисодий қийинчилик даврида оила аъзоларини жипслаштиради; оилавий муносабатларда шу сифат йўқлигини эса ҳатто ташқи моддий фаровонлик ҳам қоплай олмайди.

Кераклик туйғуси оиланинг тарбиявий ва психологик вазифалари ўзаро туташган жойида шаклланади.

Бироқ шуни олдиндан айтиб, алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кераклик туйғуси фақат бир томонга - ота-онадан болага қаратилган, деган янглиш тушунча ҳам мавжуд ва кенг тарқалган. Бу хато фикр кўплаб инсоний фожиаларга сабаб бўлмоқда: кераклик туйғуси нотўғри тушунилгани оқибатида ўта худбин бўлиб ўсган болаларда маънавий хусусиятлар бузилади. Натижада улар ўзларини ўстирган одамлар билан оилавий-қариндошлик муносабатларининг уйғун ривожланишини бузишади, ҳатто инкор этишгача етиб боришади.

Бошқа томондан, ўта худбинлик хусусияти одамга аввал бошдан берилган, яъни «зуваласига сингдирилган» бўлиши ҳам мумкин, бундай ҳолда унинг маънавияти унчалик оғринмайди, ҳатто виждони қилча азобланмаслиги эҳтимол. Бу тақдирда тўлақонли, ҳар томонлама йўналишдаги кераклилик туйғусини билимдонлик билан тарбиялаш туғма ўта худбинлик иллати кўринишларини тўла йўқ қилишга олиб келмаса ҳам, уларнинг салбий шаклларини текислайди, ёки айна вақтда юмшатиш имконини беради.

Тўлиқ маънодаги кераклик туйғуси оғзаки тарзда қандай ифодаланса, яқин кишиларнинг ички олами, муаммолари ва

эхтиёжларига нисбатан кундалик ҳамда фавқулодда ҳолатлардаги ғамхўрлик белги-аломатларидан иборат бўлган амалий хатта-ҳаракатларда намоён бўлади. Машҳур педагог В.А.Сухомлинский бу жиҳатдан шундай деганди: «Ҳамма бало эр (оиланинг ҳар аъзоси деб ўқинг) хотинининг бирон илтимосини унутганида эмас, балки шу ҳолат бир неча бор такрорлангач, бу хатти-ҳаракат одамнинг муайян бир қиррасини - яқин кишисига нисбатан ҳурматсизлиги, эътиборсизлигини кўрсатишидадир». («О воспитании», М., 1973, с.154)

Ҳақиқий ғамхўрлик эса, ўз навбатида, фақат оилавий-қариндошлик, ёки одамлар ўртасидаги ҳиссиётли ўзаро муносабатлар доирасидагина бўлиши мумкин. Айнан ана шу сабабли ҳам ижтимоий васийлик ва ҳомийлик муассасалари (меҳрибонлик уйлари, интернатлар, қариялар уйлари) даги расмий тусдаги ижтимоий ғамхўрлик инсон учун яқин кишилари билан қариндошлик муносабатлари ўрнини ҳеч қачон боса олмайди. Ваҳоланки, бу мулоқот инсоннинг бахт ҳиссиёти деб белгиланадиган ижтимоий-психологик ва руҳий-маънавий осойишталиги учун асосий аҳамиятга эга.

Бахт категорияси ўзининг моҳиятига кўра, инсоннинг шундай бир ҳолатини англатадики, бунда у ўзининг мавжудлиги, яшаш шароити тўлиқлиги, умрининг мазмуни тубдан англаниши, орзу-умидлари рўёбга чиқаётганидан қониқиш туйғусини тўлиқ ҳис этади. Бироқ инсоннинг субъектив ҳолати ва ҳатто муайян объектив мавқеи ҳам ҳар хил одамлар томонидан доимо турлича, ҳамиша гоят шахсий тарзда идрок этилиши ва характерланиши туфайли ҳам бахт тушунчасининг таърифи турлича талқин этилади.

Кимлар учун бойлик, яна бошқа бировлар учун серфарзандлик бахтдир. Балоғат ёшидаги ўсмирлар орасида «бахт бу – сени қандай тушунишларида» деган ибора энг кенг тарқалгани ҳам бежиз эмаски, у ўзаро мулоқотдаги ёшларга оид муаммолар билан бевосита боғлиқдир.

Бахт категориясининг умумий хусусиятлари эса унинг ҳисси ва қадриятларга оид норматив характери каби фарқланувчи белги-аломатларидан иборат. Зотан, бу, бир то-

мондан, орзу-тилаклардан фарқли ўлароқ, инсоннинг интилишлари эмас, балки шу интилишлар амалга оширилганидир; иккинчи томондан, унинг ҳаётдаги мақсадлари - соғомонлиги, моддий фаровонлиги, омади ва ҳақозоларни белгиловчи омилларнинг бари биргаликда тула-тўкис рўёбга чиққанидир.

Шу билан бирга, ҳаётда шундай вазиятлар ҳам учраб турадики, юқорида санаб ўтилган омилларнинг мавжуд бўлгани ҳолда бахтнинг ўзидан дарак йўқ. Ёки яна томомила акси: моддий фаровонликдан ҳеч бир асар йўғ-у, аммо инсон ўзини бахтиёр ҳис қилади.

Бу ўринда ҳамма гап шундаки, инсон ўзига ўхшаш одамлар орасида руҳий-маънавий осойишталикка эҳтиёж сезишидан келиб чиқувчи, «бахт - бу сенга керакли одамга сен ўзинг кераклигинг» деган иборада ифодаланадиган бахтнинг умумий таърифи келиб чиқади.

Мазкур ифода бахт моҳиятининг фақат инсонпарварлик жиҳатинигина қамраб олган. Бахтнинг муайян тоифа инсонлар учун хал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаган меркантил, майда-чуйда ҳисоб-китоблар билан боғлиқ бўлган жиҳати мавжуд. Ундан фарқли улуроқ бахт тушунчасининг инсонпарварликка оид таркибий қисми инсон зотининг ҳар бир вакили учун бир хилда зарур, акс ҳолда у ўзининг ҳаёти мутлақо бемаъни эканлигини яққол ҳис эта бошлайди.

Шундай қилиб, биз яна кераклик туйғусига қайтаёпмиз. Шу ўринда «Гўзаллик дунёни қутқаради» деган, кенг тарқалган бир ибора борлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Бизнинг фикримизча, бу баҳсли мушоҳада. Шу сабаблики, биринчидан, гўзаллик ниҳоятда омонат ва ўткинчи бир ҳодиса, бинобарин, бу гуноҳларга ботган дунёни ўз елкасида кўтаришга қодир эмас, иккинчидан, унда доимо ҳам инсонпарварлик ибтидоси мавжуд деб бўлмайди. Бу жиҳатлардан гўзаллик фақат инсонгагина хос, фақат унгагина зарур бўлган, ҳаётда унга қарши турган шарт-шароитлар билан яккама-якка курашувда инсонни қутқарувчи кераклик туйғусидан фарқ қилади.

Шу туфайли айнан кераклик туйғусини инсон асосий маънавий мезонларининг барчасига хос, улар эса инсон

ҳаётидаги севги, бахт, умр мазмуни каби қадриятларни субъектив ва объектив баҳолашнинг меъёри бўлиб хизмат қилади. Инсон ана шу мезонлар ёрдамида ўзини ва хатти-ҳаракатларини орзу-умидлари - ҳаёти қандай бўлиши, умри қандай кечиши ҳақидаги ўз нуқтаи назаридан етарлича асосланган ният-режалари билан қиёслаб кўради. Ва шу билан ўз назарида ва бошқа одамларнинг кўз ўнгида ўзининг аҳамиятлилик даражасини белгилаш имкониятига эга бўлади. Агар шу ўринда биз севги ва бахтни норматив-этик жиҳатдан асослашни муайян тарзда ифодалай олган бўлсак, ҳаёт мазмунининг универсал таърифи ўз ифодасини талаб қилади.

Гал шундаки, ҳаётнинг мазмуни унинг хилма-хил ва ўзгариб турувчи шароитларида кишиларнинг аниқ хатти-ҳаракатларини тушунтириш ва баҳолашга ёрдам берувчи этик категориядир. Шу боис ҳам ҳаёт мазмуни ҳар бир инсон томонидан шахсий тарзда, унинг имкониятлари ва қобилиятларига мувофиқ ҳолда идрок этилади ҳамда шахснинг ўз мақсади ҳақидаги тасаввурларида, маънавияти намуналарида ўз аксини топади.

Ана шу сабабли, ҳаёт хилма-хиллигидан келиб чиққан ҳолда, ҳаётнинг қиймати, яъни мазмуни у ёки бу одам учун турли омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу омиллар эса қуйидагилардан иборат: лаззатланиш (гедонизм), мақсад йўлида қатъият билан муваффақиятга эришиш (прагматизм), чекланган жамоага мансуб бўлиш истаги (корпоративизм ёки ҳатто снобизм), камолотга интилиш (перфекционизм), бошқа одамларга хизмат қилиш (альтруизм) ва ҳоказо.

Ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги саволга муносабат эса ҳаёт мазмунини рўёбга чиқаришнинг ўзи қанчалик тан олиншига (оптимизм - неқбинлик), шу тўғрида шубҳа-гумонлар мавжудлигига (пессимизм - бадбинлик), ёки ҳаёт умуман бемаъни кўринишига (пессимизм - умидсизлик) боғлиқ.

Агар ҳаётни ўзгартириш имкониятларига эга бўлган неқбинлик ва бадбинликни ҳаётга муносабат шакллари сифатида қабул қилиш мумкин бўлса, умидсизлик ҳаёт бемаънилиги ва инқирозга маҳкумлик ҳиссини туғдирувчи муноса-

бат сифатида хавфлидир, у инсоннинг дунёқарашига фожиали таъсир кўрсатади ва оқибатда ҳалокатга олиб боради.

Умидсизлик кўп жиҳатдан шу билан изоҳланадики, инсон қандай ҳаёт кечириш ҳақидаги орзу-умидларини доимо ҳам амалга ошира олмайди, дилдаги армон-тилакларига ета олмайди. Шу сабабли ҳам маънавий категорияларнинг умумий тизимида ҳаёт мазмунининг умумий таърифи тўлақонли ижтимоий ривожланишга ва камолотга интилишда ҳар бир одамга азалдан берилган хусусиятларни ўз ичига олиши керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳаёт мазмунининг ноёблиги шу ҳодисада аҳамиятига кўра унинг барча таркибий қисмларини босиб кетувчи бир жиҳат борлигида: ҳар қандай инсон ҳаётнинг асл мазмуни оддий инсоний муҳаббатда, у ўзининг хилма-хил кўринишларда намоён бўлишидадир. Самимий, маънавий жиҳатдан покловчи муҳаббат бахт ҳиссини туғдиради: чунки энди сен ўзинг керакли бўлган одам учун кераклисан-да!

Ўз ҳаётининг мазмунини шу тариқа англаб олган инсон турмуш ташвишларидан устун келади, ҳаётдаги тўсиқларни енгиб ўтиш учун ўзида куч-қувват топа олади, маънавий-руҳий жиҳатдан камолотга интилишидан, яъни идеалига яқинлашишдан қониқиш ҳиссини туяди. Бу ўринда инсон учун майда-чуйда, ўткинчи қадриятлар эмас, балки унинг ўзидаги энг улуғвор тимсол - маънавий идеал аҳамият касб этади.

Севги ҳаётининг узвий қисми бўлиши кераклигини, севиш санъати эса руҳий ривожланишнинг ижодий жараёни ва инсон ҳаётининг мазмуни унга бағишланганини англай олган одам эса орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун ўзида етарли куч-қудрат топа билади.

ХУЛОСА

Машҳур япон адиби Кабо Абэнинг «Қумдаги аёл» номи ажойиб фалсафий қиссаси бор. Унда меҳнат таътили пайтида шаҳардан денгиз соҳилига келиб қолган ва шу ердаги қишлоқда яшашга мажбур бўлиб қолган бир одам ҳақида ҳикоя қилинади. Қишлоқ аҳолиси денгиздан шамол элтаётган ва уларнинг уйларини кўмиб юбораётган қумни кураб ташлаш билан уззуккун банд. Асар қаҳрамони аввал бу шароитга нисбатан норозилик билдиради, қаршилик кўрсатади, қочиб кетади ҳам, аммо пировард-оқибатда шароитга бўйин эгишга мажбур бўлади, ҳатто, ўқимишли одам сифатида, қумдан қишлоқ аҳолиси учун зарур бўлган чучук сувни ажратиб олувчи қурилма ҳам яратади.

Қиссанинг мазмуни шундаки, биз, одамлар, умуман инсоният, мадомики шу дунёга келган эканмиз, ўз ҳаётимизни «қумлар»дан ҳар кунни, узлуксиз равишда тозалаб туришга маҳкуммиз. Бу жараён кундалик турмушда, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларда, ўз устимизда ишлашда ҳам мунтазам давом этаверади.

Бу бетўхтов, бир хиллигидан жонга тегувчи, инсоннинг жисмоний, ижтимоий ва маънавий куч-қувватларини емирувчи жараён. Уни тўхтатиб бўлмайди, акс ҳолда «ҳаёт қумлари» бошдан-оёқ кўмиб юборади. Омадсизлик, касаллик, қийинчилик, ташвиш-ғамларга бўйсунган одамлар шу тариқа ҳалокатга учрашган.

Бу «қум»га ҳаётга ижодий ёндошув билангина қаршилик кўрсатиш мумкин. У эса «қумдан сув» топишга - инсон ўзини шахс сифатида ҳис этишига, ҳаёти мазмунини ва бошқа одамларга керак эканлигини англаб етишига ёрдам беради. Бу интилиш эса уни амалга оширишни тақозо этади, акс ҳолда яшашга қобиллиги йўқолади. Амалга ошириш эса ўз

навбатида инсондан турли билимларни, шу жумладан этика билимларни талаб қилади.

Ушбу китобчани ўқиб чиқиб, инсон кимлиги, унинг хати-ҳаракатлари сабаби, у бошқа одамлар билан қандай муомала қилиши тўғрисида муайян бир тасаввурга эга бўлдингиз. Ана шу билимлар билан ҳуролланган ҳолда сиз энди олам, одамлар, ўзингиз ва умуман инсон тўғрисидаги билимлар соҳасида мустақил тадқиқотларга киришувингиз мумкин. Ана шуларнинг бари ҳақида, инсон деб аталмиш ноёб мавжудотнинг фаройиб сир-синаотлари тўғрисида мароқли тарзда ҳикоя қилувчи ниҳоятда кўплаб ажойиб асарлар бор. Бу китобларни топиб ўқинг ва улардан олган билимингизни ўзингиз ва бошқа одамларнинг камолоти йўлида тадбиқ этинг.

Муҳаббат ва Омад сизга ҳамиша ёр бўлсин!

Ижтимоий, маърифий нашр

АБДУРАИМОВА САИМА АЧИЛОВНА

МЕН ВА БИЗ

*Этика муаммоларига
замонавий қараш*

Муҳаррир Н. Нарзуллаев
Мусавир Р. Есауленко
Компьютерда саҳифаловчи Е. Назарова

ИБ № 4017

Босишга 21.04.2005й. да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 1,625. Шартли босма тобоғи 2,73.

Адади 500 нусха. Буюртма № 78.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.